

# VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини сканер қилинг.



2021 йил 19 март, №11 (2918)

## O'ZBEKISTON

### HAFTA ICHIDA

● 17 март куни Президент Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Ҳар доимгидек очик, самимий ва дўстона руҳда ўтган мулоқотда кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, савдо соҳасидаги қўшма лойиҳаларни илгари суриш, саноат кооперациясини кучайтириш ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудудлараро алоқалар ва гуманитар алмашинувларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Туркий кенгашнинг бўлажак саммитига тайёргарлик кўриш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

● Президентимиз 17 март куни Россия Федерациясининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденевни мамлакатимиздаги дипломатик миссияси якунлангани муносабати билан қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Россиянинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонасига 11 йилдан ортиқ вақт мобайнида раҳбарлик қилаётган элчининг икки томонлама дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида қайд этди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

## ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК: ҲИНД – ЎЗБЕК ЎҚУВ МАШҚЛАРИ



### ЯНГИ ОБЪЕКТ ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида замонавий ўқув мажмуаси ва курсантлар ётоқхонаси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

### АМАЛИЙ ЁРДАМ ВА МАЪНАВИЙ КЎМАК

Олис манзиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши суст бўлган қишлоқ ва овул аҳлига амалий ёрдам кўрсатиш, улар ҳолидан хабар олиш, моддий ва маънавий кўмак бериш мақсадида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги томонидан ташкил этилган «Саховат карвони» Тахтақўпир тумани марказидан...

6 ОГОҲЛИК ВА ТАЪСИР  
ДОИРАСИДА

10 КУВОНЧ КЎЗ ЁШЛИ  
ТАБАССУМ БИЛАН

12 АРАСТУ:  
ЖАСОРАТ НИМА?

14 «ЖИСМИМИЗ  
ЙЎҚОЛУР, ЎЧМАС  
НОМИМИЗ...»

17 АСКАРЛИКНИНГ  
ОЛТИНГА ТЕНГ  
ОНЛАРИ

# КЕНГАШ ТАРКИБИ ТАСДИҚЛАНДИ



Маълумки, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолияти халқимиз ва миллий армиямиз ўртасидаги узвий бирликни, яқдилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда мудофаа ва хавфсизлик масалаларида олиб борилаётган давлат сиёсатини янада такомиллаштиришга хизмат қилиб келмоқда.



Қуролли Кучлар академиясида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг ташкилий масалаларига бағишланган йиғилиши ўтказилди.

Унда мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул вакиллари иштирок этди.

Мулоқотлар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қарорининг иловаси билан Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашига 30 нафар фуқаро таркиби тасдиқланди.

Шунингдек, йиғилишда Жамоатчилик кенгаши аъзолари иштирокида Кенгашнинг ўтган ва жорий йилдаги фаолияти амалий таҳлил қилиниб, Кенгаш низомида белгиланган вазифалар ижросига эътибор қаратилди. Аъзоларнинг талаб ва таклифлари умумлаштирилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бобур ЎТКИР ўғли



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ

# ЯНГИ ЎҚУВ БИНО ВА ЁТОҚХОНА Фойдаланишга топширилди

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида замонавий ўқув мажмуаси ва курсантлар ётоқхонаси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.





Янги объектларнинг очилиш маросимида Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар, фахрийлар ҳамда ўқувчи ёшлар иштирок этди. Узаро мулоқотларда яратилган шарт-шароитлар билим юрти курсантлари ва тингловчиларини ўқитиш самарадорлигини янада ошириши, эндиликда таълим тизими илғор давлатларда қўлланиладиган педагогик дастурлар, усул ва ёндашувлар асосида олиб борилишини таъкидлаб ўтишди.

Ўқув биносида бир вақтнинг ўзида 1 000 нафардан ортиқ курсант таълим олиши мумкин. 1 ва 2 қаватдаги 28 та ўқув синфи ва амалий машғулот хоналари, 2 та электрон кутубхона, 400 ўринли анжуманлар зали, ертўла қисмидаги спорт мажмуаси ва тўсиқлар йўлаги – буларнинг барчаси замонавий анжомлар ва жиҳозлар энг сўнгги технологиялар асосида ташкил этилди.

Шунингдек, бинонинг биринчи қаватида Қуруқликдаги қўшинлар ва Ҳаво ҳужумидан мудофаа ҳамда артиллерия тайёргарлигига таллуқли амалий ўқув синфлари реал шароитга мослаштирилган ҳолда «Игла», «QW-18» ва «Д-30», «82 мм.ли миномёт»лардан амалий отиш машқларини ўтказишга мўлжалланган.

Ҳаво-десант тайёргарлиги ва қурол-аслаҳаларнинг тарихи ўқув синфлари курсантларга бир вақтнинг ўзида назарий ҳамда амалий таълим олиш имконини беради.

Тадбир давомида билим юрти меҳмонлари бинодаги ўқув хоналари, лабораториялар, махсус тренажёрлар ҳамда бошқа қулайликлар билан яқиндан танишди. Таъкидлаш жоизки, танк статистик тренажёри, жангни ташкиллаштириш синфи, моделлаштириш ва симуляция хоналари замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди, катта ўлчамдаги электрон доска ва мониторлар орқали эса

қўшинлар тайёргарлигида самарали ҳисобланган Флэшпоинт, Арма каби дастурларда ишлаш имконияти яратилди.

Шу кунни курсантлар учун янгидан қурилган 164 ўринли 3 қаватли ётоқхона ҳам фойдаланишга топширилди. 2-3 кишилик хоналар бугунги кун талабларидан келиб чиқиб жиҳозланган. Маданий ҳордиқ ва маиший хизмат кўрсатиш хоналари эса бўлғуси офицерларга қўшимча қулайликлар яратади.

Бир сўз билан айтганда, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ўз олдига миллий армиямиз учун етук ва профессионал кадрлар тайёрлашни мақсад қилган. Бунга эса чуқур ўқиш ва ўрганиш, яратиш, илмий изланишлар олиб бориш орқалигина эришилади.

**Лейтенант Бобур ЭЛМУРОДОВ,  
«Vatanparvar»**



## ХАРБИЙ ҲАМКОРЛИК



# ҲИНД – ЎЗБЕК

## ХАРБИЙ БЎЛИНМАЛАРИ ИШТИРОКИДА

### «ДЎСТЛИК – II» ЎҚУВЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар ҳинд – ўзбек ҳарбий бўлинмалари иштирокида ўтказиладиган «Дўстлик – II» ўқувларида иштирок этиш учун Ҳиндистоннинг Утаранчал штати, Раникхет провинцияси ҳудудида жойлашган «Чаубатия» ўқув марказига етиб келди.

Дастлаб ушбу ўқув марказининг маданият саройида ҳамкорликдаги ўқувнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир аввалида икки мамлакатнинг давлат байроқлари олиб кирилди ва мадҳиялари ижро этилди. Тантанали тадбирни Ҳиндистон Республикаси Пиёда қўшинлари корпуси қўмондони генерал С. К. Шарма кириш сўзи билан очиб берди. Генерал Шарма ўз сўзида 2019 йил Ўзбекистонда ўзбек – ҳинд ҳамкорлигида ўтказилган «Дўстлик – 2019» тактик ўқув машғулоти мамлакатлар ўртасидаги ҳарбий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилганини, шунингдек, терроризмга қарши курашиш ва жанговар-ўқув операцияларда иштирок этиш орқали икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мазкур ўқув машғулотининг асосий мақсади эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон ҳарбий делегацияси номидан сўзга чиққан полковник Азизбек Камилов Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари ўртасидаги муносабатлар тарихи ҳақида сўз юритиб, ҳамкорликда ўтказиладиган мазкур ўқувлар келажакда ҳарбий ҳамкорлик масалаларини янги bosқичга олиб чиқишини билдирди.

Ўқувнинг дастлабки кўргазмалли машғулотини Ҳиндистон армияси капитани Шишир Шукла ўз мамлакати ҳақидаги маълумот билан бошлаб берган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги офицери полковник Дилмурод Юлдашев мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар, эришилаётган натижалар ҳақидаги чиқиши билан давом эттирди.

«Дўстлик – II» ҳинд – ўзбек ҳамкорликдаги ўқувнинг дастлабки машғулоти икки давлат ҳарбий хизматчиларининг эрталабки бадантарбия машғулоти билан бошланди. Машғулот Ҳиндистон Қуролли Кучларининг 13-мотоўқчи «Камоюн»

регimenti командири полковник Амит Малик раҳбарлигида ўтказилди.

Шундан сўнг амалий машғулотларга ўтилди. Унда 13-мотоўқчи «Камоюн» регimenti штаб офицери майор Деepak Чаухан раҳбарлигида ҳинд ҳарбий хизматчилари томонидан ушбу региментда мавжуд бўлган қурол-аслаҳалар, уларнинг тактик-техник тавсифлари ва имкониятлари ҳақида маълумотлар берилди.

Кейин машғулотлар «Чаубатия» ўқув маркази ҳудудида барпо этилган махсус ўқув нуқталарида давом этди. Бунда миллий армиямизнинг I даражали сержанти Ботир Норқобил раҳбарлигида Ўзбекистон ҳарбий хизматчилари томонидан ҳозирланган мураккаб вазиятларда яшовчанликни таъминлаш бўйича 10 та ўқув нуқтасида Ҳиндистон ҳарбий хизматчиларига кўргазмалли машғулотлар амалий тарзда кўрсатиб берилди. Машғулот қизиқарли кечди, ҳинд ҳарбий хизматчилари томонидан берилган кўплаб саволларга вакилларимиз тўлақонли жавоб қайтаришди.

13-мотоўқчи «Камоюн» регimenti штаб офицери капитан Деepak Кумар раҳбарлигида ҳинд ҳарбий хизматчилари томонидан шаҳар шароитида (бинода) яқин масофада жанг олиб бориш мавзусида ташкил этилган кўргазмалли амалий машғулот давомида эса ҳар бир ҳарбий хизматчининг амалий ҳаракатлари, уларнинг экипировкаси ва қуроллари хусусида маълумотлар берилди.

«Дўстлик – II» ҳинд – ўзбек ҳамкорликдаги ўқувнинг машғулоти жараёнлари қизгин паллага кириб, Ҳиндистон армияси капитани Шишир Шукла томонидан автомагистраллар ва аҳоли яшаш пунктларига кириш йўлларида қўйиладиган мобиль блокпостларда хизматни ташкиллаштириш, автомашиналар ва фуқароларни текширувдан ўтказиш, шунингдек, шубҳали буюмлар ва террорчилар аниқланганда, уларни зарарсизлантириш бўйича назарий машғулот ўтказилиб, иккинчи ярмида амалий ҳаракатлар намоиш этилди.





Кўргазмали машғулотларнинг иккинчи ўқув нуқтасида Ҳиндистон армияси капитани Шишир Шукла томонидан ўрмон ичида жойлашган қишлоқ худудига ўрнашиб олган террорчиларни қидириб топиш, уларни қуршаб олиш ва зарарсизлантириш бўйича дастлаб назарий, сўнгра амалий кўргазмали машғулот ташкиллаштирилди.

Ўтказилган машғулотлар давомида иштирокчилар фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишди. Жумладан, Ўзбекистон ҳарбий хизматчилари томонидан қўшимча таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Шу тариқа ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур ўқувларда ҳарбий санъат борасида ўзаро тажриба алмашишдек устувор мақсадга эришилмоқда.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳарбий хизматчиларидан иборат аралаш таркибдаги бўлинмалар «Чаубатия» ўқув марказининг отиш майдони («тир») ва ўрмон («жунгли») шароитида ўқув-амалий машғулотларни давом эттирди.

Биринчи ўқув нуқтаси, яъни отиш майдонида икки давлат ҳарбий хизматчилари «иккилик» таркибида душманни яқин жангда йўқ қилиш бўйича амалий машғулотларни бажарди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар ўқув машқлар давомида ўзларида мавжуд кўникмаларни



ҳинд аскарлари билан ўртоқлашди ҳамда яқин жангда душманни бошқа усулларини яқсон қилиш амалларини амалий тарзда кўрсатиб берди.

Иккинчи ўқув нуқтаси – ўрмон шароитида эса икки давлат ҳарбий хизматчилари душманни қидириб топиш, уни аниқлаш ва йўқ қилиш бўйича амалий ҳаракатларни бажаришга киришди. Иккала давлатнинг аралаш таркибдаги бўлинмалар олдиндан яратилган вазиятга киритилиб, 1 500 метрли йўлакка жойлаштирилган турли хилдаги нишонларни (сунъий душман) ишғол қилди.

Машғулотларни ўқув нуқталарида янада жанговар вазиятларга яқинлаштириш мақсадида Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган ўқув қуроллари ва сенсорли нишонлардан фойдаланилди.

Қуннинг биринчи қисмида машғулотларга яқун ясалди, ҳарбий хизматчилар томонидан машғулотларни тўғри бажаришдаги устунлик ва йўл қўйилган камчиликларга алоҳида тўхтаб ўтилиб, тегишли хулосалар берилди.

Ҳамкорликдаги ўқув машғулотлари давом этмоқда. Газетамизнинг навбатдаги сонларида бу ҳақда батафсил тўхталамиз.

**Лейтенант Орифжон МАМАЖОНОВ,**  
Ҳиндистон, Утаранчал штати

# ОГОҲЛИК ВА ТАЪСИР ДОИРАСИДА



Тараққиёт инсониятга шу қадар таъсир қилдики, макон аҳамиятини йўқотди. Дунёнинг нариги чеккасида содир бўлган воқеадан бир баҳяда хабардор бўлиш имкониятимиз бор. Нафақат огоҳ бўлиш, балки таъсир ҳам кўрсатиш мумкин. Марказий ҳарбий округ «Фориш» тоғ полигониди Буюк Британия Қуролли Кучлари ҳарбий мутахассислари билан олиб борилаётган ҳамкорликдаги машғулотларни кузатиб, бу каби хулосаларим яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Дастлабки танишув чоғида ҳарбий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳозирги кунда олиб борилаётган тадбирлар, ўқувлар ва дўстона ташрифларнинг афзалликлари, самараси борасида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

– Ҳарбий тренинг курси уч босқичдан иборат. Назарий билим, кўникмаларни ва командирлик қобилиятини шакллантириш, замонавий тактик ҳаракатлар билан уйғунлашган (махсус тактик ҳаракатлар, гуруҳ таркибида ҳаракатланиш, жанг мобайнида бўлишни моҳирона бошқариш) комплекслар амалий дала машғулотлари, назорат



текширув синовлари қабул қилиш орқали олинган назарий билим ва амалий кўникмалар даражасини билиш, – дейди Мудофаа вазирлиги масъул офицери подполковник Машхур Аглаев. – Замонавий чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, содир бўлаётган кўплаб жанговар ҳаракатлар динамикасига монанд равишда жанг олиб бориш, теран фикрлаш ва ноқонуний қуролланган террорчи ташкилотларнинг хатти-ҳаракатларига қарши тура олиш ҳамда кескин равишда ўзгариб бораётган тактик ҳаракатларни амалда ўрганишда ҳарбий ҳамкорликнинг ўрни беқиёс.

Буюк Британия ҳақида сўз кетганда, кўпчиликнинг кўз олдида энг ривожланган мамлакатлардан бири келади. Ушбу





Муаллиф суратга олган

ўлкадан келган ҳарбий мутахассисларнинг юртимизга, одамларимизнинг меҳмондўстлигига, Ватан ҳимоячиларининг маҳорати ва чайирлигига тасаннолар айтаётганини эшитиб сеvindик.

– Кичик командирлик ва лидерлик курси Ўзбекистонда биринчи марта ташкил қилинмапти. Тренинг взвод командиригача бўлган ҳарбий хизматчиларни қамраб олган бўлиб, 7 та асосий машғулотдан иборат. Иштирокчиларнинг лидерлик қобилияти нафақат назарий томондан оширилди, балки ўз ўрнида амалий жиҳатдан ҳам синая кўрилди. Ўзлаштирилган билимларнинг шахсий таркибга таъсирига ўзлари гувоҳ бўлдилар. Улар тиришқоқлиги, жисмонан бақувватлиги ва жамоавий ҳаракатланишдаги жипслиги билан бизда жуда катта таассурот қолдирди. Тоғ полигонидagi шарт-шароитлар эса ҳавас қиларли, – дейди буюк британиялик мутахассис капитан Даниэл Вуд. – Самарқанд ва Жиззах шаҳарларига саёҳат эса бизни халқ ҳаёти билан яқинлаштирди. Меҳмондўстлиги



ҳақида қанча айтсак, шунча кам. Миллий таомларнинг таъми оғзимизда қолди.

Эътиборли жиҳати, ҳар бир амалий ҳаракат сўнгида фикр алмашиниб, ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилинди. «Мулоқот кўпайиб кетди, аммо ўтган галги хатолар такрорланмади, очик ҳавода ҳимояланиш нотўғри бажарилди, душманни қўлга олгунча овоз чиқармаслик керак эди» каби ўринли эътирозлар жамоавий ҳаракат қилаётган ҳарбий хизматчиларни ҳушёр тортирарди.

Тренинглар давомида жанговар тайёргарлик машғулотларида хавфсизлик қоидалари талаблари, лидерлик сифатлари, қуролли тўқнашувлар ва ҳарбий можаролар қонунлари, топографик хариталар ва компас билан ишлаш, командир иштирокисиз бажариладиган жамоавий машқлар, бошланғич патруллик машғулоти, ҳаракатланиш мобайнида жанговар тартиб, гуруҳ ва секция командирининг вазифа олгандан сўнги кетма-кетлик, ностандарт вазиятларда командирнинг тезкор қарор қабул қилиши ва қарорини етказиши каби кенг қамровли мавзулар кўламида назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Тренинг сўнгида намунали иштироки, кўрсатган ташаббуси учун йиғин қатнашчиларига сертификатлар ва эсдалик нишонлари топширилди.

**Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ,**  
«Vatanparvar»



# МАЛАКА ВА ТАЖРИБА СИНОВДАН ЎТДИ

Урганч гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида режага асосан батальон тактик ўқуви бўлиб ўтди.



Жанговар бўлинмаларнинг ҳаракатчанлик, ўзини ўзи бошқариш даражасини ошириш мақсадида ўтказилаётган мураккаб машғулотлар соҳа бўйича янги усул ва услубларни ўзлаштириш ва таж-

риба алмашишда, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ва хатарларга қарши тезкор ҳамда самарали жавоб бериш қобилиятини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Урганч гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида жиддий синов машғулоти ўтказилиб, унда бўлинмаларнинг ўқув йили давомида эгаллаган назарий билим ва амалий кўникмалари текширувдан ўтказилди. Дала-ўқув майдонида батальон шахсий таркиби томонидан жанговар техника ва ўқотар қуроллар ёрдамида амалда жанговар тактик ўқуви бажарилди.

Экипажлар шай ҳолатга келтирилган жанговар техникалардан жой эгаллаб, сафарга чиқиш учун барча талабларни бажарди. Бир неча дақиқаларда жанговар ва ҳарбий техникалар ҳарбий қисм ҳудудини

тарк этиб, «Янгиариқ» дала-ўқув майдони томон йўл олди. Узоқ масофага марш ҳолатида юрган ҳарбий техникалардан иборат колонна олис манзил томон элтувчи йўлларда огохлик ва ҳушёрлик билан ҳаракатланди.

Ўқув машғулоти реал вазиятга яқинлаштириш мақсадида йўналиш маршрутида қўққисдан шартли равишда оммавий қирғин қуроллари ҳамда портловчи моддалар қўлланилди. Шартга кўра, бўлинмалар колонна бўлиб марш ҳаракатини ўтказиб, дала-ўқув майдонига етиб келишди ҳамда қўшинлар жойлашуви ва қўриқловни ташкил этди.

Машғулот давомида бўлинма командирларининг шартли душманга қарши режалаштирилган жангни олиб бориш бўйича қарорлари ҳамда ушбу ҳаракатларни бажаришга тайёргарлик даражаси бўйича маърузалари тингланди.

Батальон шахсий таркиби Миллий гвардия бўлинмаси билан шартли душманни қуршовга олиш бўйича махсус-тактик вазифани бажариб, белгиланган топшириқларни тез фурсатда адо этди.



## «САХОВАТ КАРВОНИ»

# АМАЛИЙ ЁРДАМ ВА МАЪНАВИЙ КЎМАК

Олис манзиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши суст бўлган қишлоқ ва овул аҳлига амалий ёрдам кўрсатиш, улар ҳолидан хабар олиш, моддий ва маънавий кўмак бериш мақсадида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги томонидан ташкил этилган «Саховат карвони» Тахтақўпир тумани марказидан 20 километр масофада жойлашган Жанадарё ҳамда 35 километр узоқликдаги Белтау овулларига етиб борди.

Тахтақўпир туманининг Жанадарё ва Белтау овулларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга бериладиган тиббий маслаҳат ва муолажалар сифатини ошириш мақсадида Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник ҳамда Нукус ҳарбий госпиталлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси шифокорларидан иборат жамоа томонидан бир неча кун давомида чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ўтказилди. Шунингдек, халққа ёрдам бериш мақсадида ҳарбий хизматчилар овулларда ободонлаштириш, аҳоли томорқаларини баҳор мавсумига тайёрлаш ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Нукус шаҳридан йўл олган «Саховат карвони» Тахтақўпир тумани ҳокимлиги мутасаддилари билан ҳамкорликда икки овулга бўлиниб, у ерда ижтимоий аҳоли оғир бўлган юртдошларимизга меҳр-саховат улашишди.

Халқимизни янада бирлашишга, баҳамжиҳат бўлишга ундаётган ушбу гуманитар акция доирасида Жанадарё овулидаги 30 дан ортиқ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда жисмоний имконияти чекланган аҳолига бирламчи озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ҳамда мебель жиҳозлари тарқатилди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов бошчилиги-

даги ҳарбий хизматчилардан иборат саховат гуруҳи биринчи навбатда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ватандошларимиз уйларига бориб, улар ҳолидан хабар олди, моддий ва маънавий ёрдам берилди.

– Оилада 10 кишимиз, – дейди нуроний онахон Турдигул Нуралиева. – Турмуш ўртоғимнинг белларидан қуввати кетган, бир нафар фарзандим ногирон, қолганлари ҳам ҳеч қаерда ишламайди. Бир-икки бош мол ва парранда боқиб, кун кечирамиз. Яқинда уйимизга аскарлар келди-ю, ҳаммаси ўзгара бошлади. Йигитлар келиб, ҳовлимизни обод қилишди, томорқаларни баҳорга ҳозирлашга кўмаклашди, ўтинлар захирасини тўплашди, уйимизни оқлаб, кўркам аҳволга келтиришди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, стол, стул, каравот, ўчоқ ва телевизор, невараларимга кийимлар беришди. Бир сўз билан айтганда, рўзғордаги барча кам-қўстаримизни бутлаб беришди. Уларга минг раҳмат, ҳарбийларимизнинг бориغا шукур. Бутун овулимиз аҳли уларни дуо қилиб, ҳаммасидан миннатдор бўлиб юришибди.

II гуруҳ ногирони Эркин ота Қуралбоев, мана уч йилдирки, уйдан узоққа чиқа олмайди. Бир ўзи ёлғизланиб қолган отахон меҳмонлар ташрифидан боши осмонга етди. Жанадарё овулидаги 19-мактабда ташкил этилган концерт дастури барчага байрамона кайфият бағишлаб, аҳолининг маданий ҳордиқ олишини таъминлади. Ҳарбий хизматчилар томонидан куриб берилган Workout (кўча спорти) учун майдонча эндиликда ушбу спортнинг олис ҳудудларда ҳам ривожланишига, оммалашшига хизмат қилади.

Нукус ҳарбий госпитали мутахассислари ҳам ушбу хайрия тадбирида фаол қатнашиб, бетоб бў-



либ ётган юртдошларимиз хонадонларига ташриф буюрди. Уларнинг саломатлигидан хабар олиб, тиббий текширувлар ўтказди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги томонидан меҳр-саховатга йўғрилган бу каби тадбирлар давом этмоқда.



## ЎТМИШГА НАЗАР

## АЖДОДЛАРИМИЗ ҚЎШИН ТУЗИШ ВА УНИ БОШҚАРИШ ҲАҚИДА

Сўнги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан мамлакатимизда қадимдан мавжуд бўлган жанг услублари, ҳарбий тактика ва стратегия, шунингдек, аждодларимизнинг бой ҳарбий меросини чуқур, ҳар томонлама ўрганиш масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу эса Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотларнинг узлуксизлиги ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта асрнинг буюк мутафаккири ва шоири, давлат арбоби Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» асарида лашкарбоши ва унинг фазилатлари ҳақида қимматли фикрларни илгари суради. Унингча, қўшинга, албатта, битта бошлиқ керак. Бу бошлиқ, ўз навбатида, кўп нарсани бошидан кечирган, дадил, шерюрак бўлиши лозим. Юсуф Хос Ҳожибнинг таъкидлашича, лашкарга бош бўлиш – оғир иш, чунки у ёв билан юзма-юз туради. Шунинг учун йигитлар орасидан сара, мард ва кучли, мерган ва саховатли кишини ажратиш лозим. Бироқ ғофил кишилар бу ишга ярамайди. Саховат кўрган лашкар ҳам бир-бирининг қўлидан қаттиқроқ ушлайди, натижада уларнинг жипслиги ортади. Лашкарбоши кўп нарсалардан тийилиб, ўзи учун бир от, тўн, қурол билан кифоялангани маъқул. Чунончи, ўзини йўлаб дунё йиғиш, ер-сувим, боғ-роғим деб олтин-кумушга ўнгангил бериш унга бегона бўлгани яхши, дейди.

Мутафаккирнинг уқтиришича, лашкарбошининг ёнига йиғилган баҳодир, ботирлар жонларини фидо этиб, тоғ қояларида ётган чоғларида ўз бошлиқларидан ўрнак олишади. Зеро, билим, эс-хушлилик, алпзўрлик ва жасорат – уларнинг зийнати.

Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, «лашкар бошлиғи, энг аввало, уят-андишли, ор-номусли бўлиши керак. Эркак киши ор-номусини деб ёвга отилади, ундан ўчини олади. Чунки у ор-номус туфайли ёв лашкарини пароканда қилади». У ўз фикрини давом эттириб, лашкарбоши қилиғи қулай, камтар, кенг кўнгил, ширинсўз, кишининг кўнглини овловчи бўлгани яхши, деб таъкидлайди. Бу хусусиятлар уни элга севдиради.

Аллома лашкарбоши бир қанча, яъни довурак, жисмонан бақувват, шиддаткор, кучли, қатъиятли, хушёр, ақлли, келажакни кўра олиш каби хислатларга эга бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтади. Агар ана шу хислатлар жам бўлса, ўша одамни лашкарбоши

керак. У айғоқчи ва қоровулларни, соқчи ва бутун қўшинни кузатиши лозим. Ёв лашкарини асир тушириш ғалабанинг тезлашишини таъминлайди. Юсуф Хос Ҳожиб ҳукмдорларга мурожаат этиб, шундай дейди: «Лашкар учун кўп одам керак эмас, балки сара одамлар керак, чунки сара одамлар жам бўлгач, уларга муносиб қурол-аслаҳа лозим. Беҳисоб лашкардан тузилган қўшин бебош ва бошқарувсиз бўлади, бебош қўшин аскарлари эса юраксиз бўлади. Кўп сонли аскар истама, сара мардларни иста, сара мардларга мувофиқ шай қурол-аслаҳа иста». Мутафаккирнинг бу фикрлари бугунги кун учун катта аҳамиятга эга. Зеро, армиянинг қуч-қудрати аскарларнинг сонидан эмас, балки ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳоратларини қай даражада эгаллаганликларидан ва улар жанговар шайлигининг, қуролланшининг даражасига ҳам боғлиқдир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг жанг қилиш санъати ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Унинг фикрича, ёвни енгиланинг иккита асосий йўли бор: биринчиси душманни чалғитиш, унга ҳийла қўллаш, иккинчиси пухтакорлик. Аммо урушга ҳеч қачон шовилмаслик лозим. Иложи бўлса, элчи юбориб ярашиш йўлини излаш керак. У «жанг вақтида уруш кўрган, оқсоч баҳодирларни олдинги сафларга қўйиши керак, чунки улар лашкарга далда беради. Чунончи, кичик ёшли аскарлар шиддатли бўлишига қарамай ёв юз тутгудек бўлса, ўзларини йўқотиб қўйиши, саросимага тушиб қолиши мумкин. Ишончли кишиларни лашкар сафларининг олди ва орқасига қўйиш лозим. Ўнг ва сўл қанотга эса бошқаларни жойлаштирса ҳам бўлади», дейди.

Буюк олим Кайковус (XI аср) ўзининг «Қобуснома» асарида ҳарбий иши хусусида қимматли фикрларни баён қилади. Кайковуснинг фикрича, урушда сустлик ярамайди. Чунки уруш майдонига кирган ҳар бир киши тақсир, яъни камчиликларини кўрсатмаслиги лозим. У ўз фикрини давом эттириб, урушда ҳаракат қилиб илгари қадам қўя олмасанг ҳам, аммо бир қадмни кейин қўймагин, чунки уруш майдонида душманлар ўртасига тушсанг, урушдан асло илгари чиқмагин.

Алломанинг лашкарбоши ва унинг сифатлари хусусидаги мулоҳазалари ҳам таҳсинга лойиқдир. Кайковуснинг таъкидлашича, «Агар сипоҳсолор бўлсанг, лашкарингга эҳсон кўрсатгил, ҳам ўз тарафингдан, ҳам подшоҳ томонидан

уларга яхшилик расмини ўргат. Ҳа-миша ҳайбатлик бўлгин, лашкар чекмак ва уруш қилмоқ одатини билгин. Уруш куни ўнг тарафга ва сўл тарафга кўп уруш кўрган, тажрибали саркардаларни юборгин. Шижоатлироқ саркардани ёки баҳодирроқ уруғни лашкарнинг орқа қанотига қўйгин, токи лашкарнинг орқаси қувватлик бўлсин. Агар душман қанчаки ожиз бўлса ҳам, уни ожиз кўрмагин ва доимо эҳтиёткор бўлгин», дейди.

Кайковус ҳукмдорларга мурожаат этиб, уларни қўл остидагиларга нисбатан адолатли бўлишга, зарур пайтларда уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга чақиради. Унинг фикрича, ҳар бир киши уруш қилса, урушда бирор кишини йиқса, мажруҳ қилса ёки ўзи мажруҳ бўлса, бирор душман кишини тутса ё отни тутиб келтирса, ё бош кесиб келтирса ёки бошқачароқ яхши хизмат қилса, унга ўша хизмати учун икки баравар мукофот беришни, сарупо тақдим қилишни, иш ҳақи ва вазифасини олдингидан зиёда этишни маслаҳат беради. Бу билан ўзгалар ҳам мардоналикка ҳаракат қиладилар ва сен, албатта, ғалаба қозонгайсан. Агар урушга кирсанг, мардона ҳаракат қилгин ва кўнглингга қочмоқ фикрини келтирмагин, ўлимга кўнгли қўйгин. Зеро, ҳар одамнинг муроди ўлим бўлса, уни ҳеч лашкар жойидан кўтара олмас, дейди. Алломанинг бу фикрларидан ватанпарварлик ва фидойилик хислатлари лашкарларнинг энг зарур фазилатлари эканлиги кўриниб турибди.

Кайковуснинг ҳисоблашича, ҳукмдорнинг нотик ва инсонпарвар бўлиши қўшинни доимо жанговар ҳолатда сақлашда, мустаҳкам интизом ўрнатишда ва ғалабани таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Ҳамма вақт лашкарга хуш сўз айтгин ва бир луқманон, бир коса сув топсанг, улар билан баҳам кўргинки, бир парча ноннинг қилган ишини кўп зар ва саруполар қила олмасдур. Лашкарнинг кўнглини ҳамиша хушҳол тутгин. Агар улар сендан жонини дариг тутмасин десанг, улардан сен нонингни дариг тутмагин. Мабодо сени подшоҳлик шарафга етказса, подшоҳлик одатини яхши тутгин. Лашкарни қандай тарбия қилсанг, раиятга ҳам шундай меҳрибонлик кўрсатгин, токи мамлакат обод бўлсин. Чунончи, подшоҳ офтобдир, офтоб бировга соя солиб, яна бировдан юз ўгирмас. Халқни лашкар билан итоат этса бўлур ва лашкарларни халқ билан хушҳол, ободон этса бўлур.

Ўрта асрнинг яна бир буюк мутафаккири ва давлат арбоби Низомулмулк ат-Тусийнинг «Сиёсатнома» асарида қўшин сақлаш, уларнинг таъминоти ва лашкарбошиларнинг фазилатлари ҳақидаги масалалар чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этилган.

Низомулмулкнинг лашкарлар ўртасидаги муносабат ва уларнинг таъминоти тўғрисидаги фикрлари таҳсинга лойиқ. У лашкарлар аҳволини тўғри аниқлаш керак ва иқтаъли кишиларнинг қўлларида иқтаъ (чек ер) мутлак

ва муқаррар бўлиши шарт бўлган. Иқтаъ тегишли бўлмаган сарбозлар ҳақларини ҳам кўзда тутиш лозим, агарда уларнинг ҳақлари аниқланган бўлса, ҳамма лашкар ҳақини ўз вақтида бериш керак, дейди. Бироқ ҳақни подшоҳ ижозатисиз хазинадан

олиб бериш ман этилган, чунки подшоҳ ўз қўли билан лашкар аҳлига ҳақ бергани маъқул, ана шунда уларнинг меҳрлари ва садоқатлари қалбларида мустаҳкам, хизмат ва уруш пайтида саботли бўлганлар.

Низомулмулк ҳукмдорга қўшинни турли қабила вакилларидан тузиш кераклигини маслаҳат беради. Чунки бу қўшиннинг интизомлилигини ва жанговар шайлигини мустаҳкамловчи муҳим омилдир. Унинг ёзишича, агар лашкар бир турдан бўлса, бу хатарли бўлиб, тартибсизлик вужудга келади. Шу боис, қўшиннинг ҳар қабиладан бўлишиги ва саройда дайлабий ҳамда хуросонликлардан минг кишилик лашкар бўлиши талаб этилган. Бор лашкарни сақлаб, қолганларни тўлдириш зарур, агарда улардан баъзилари гуржи ва баъзилари форс йигитларидан бўлса, мақсадга мувофиқ, чунки улар яхши кишилардир. Шунингдек, юришлардан олдин ҳар кечаси қанча киши соқчиликка бориши ва ҳар бир гуруҳнинг жойи белгиланган бўлиши зарур. Шу тариха ҳар бир гуруҳ бошқа ҳарбий гуруҳдан хавфсизраб, жойидан жилмайди ва эрталабгача тинчлик сақланган. Чунончи, фалон киши урушда сустлик қилди, деб ҳеч ким айтолмаган. Сабаби ҳамма бир-бирдан қолишмай қахрамонларча жанг қилган.

Низомулмулкнинг таъкидлашича, «жангчиларнинг ҳар қандай илтимос ва ҳожатлари лашкарбоши ва раҳбарлар томонидан қондирилиши мақсадга мувофиқдир. Ана шунда бу бошлиқларнинг ҳурмати ҳам ўз жойида бўлади. Модомики, ҳар бир тобе киши ўз истағи, хоҳишини ўзи баён қилса, бошлиқнинг ҳурмат ва обрўси қолмайди. Мабодо қўшин ичидаги аскар лашкарбошини менимай, ҳурмат қилмай, ҳаддидан ошиб кетса, унга жазо бериш лозим. Айнан катта ва кичик унвонларнинг фарқи ва ўлчови ҳам шундадир». Алломанинг бу фикрларидан бугунги кунда миллий армиямиздаги мансабларнинг мажбуриятларини тартибга солишда, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатларни юксалтиришда фойдаланиш мумкин.

Хуллас, аждодларимизнинг қўшин тузиш ва уни бошқариш тўғрисидаги қимматли фикрлари бугунги кунда мамлакатимизда замонавий қурол-яроғ билан қуролланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган миллий армияни мустаҳкамлаш, шахсий таркибнинг жанговар шайлигини ошириш ва уларда юксак касбий фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Полковник Бобур НЕГМАТОВ,**  
**Қуролли Кучлар академияси**  
**Гуманитар фанлар**  
**кафедраси бошлиғи**  
**ўринбосари, доцент**



ЧАҚИРУВ – 2021

# ҚУВОНЧ КЎЗ ЁШЛИ ТАБАССУМ БИЛАН

Кўзларида қувонч ёшлари билан фарзандларини Ватан ҳимоясига қузатаётган оналарнинг юзларидаги табассумни кўриб, уларга ҳавасингиз келади. Эл корига ярайдиган ўғлонлар тарбия қилиб, меҳнатлари ҳосиласидан севинаётир. Орадан бир йил ўтиб, ёруғ юз билан соғ-саломат қайтиб келган аскарлар уларнинг кўнглига яна қанчалар шодлик улашишни ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг.

Юқоридаги ҳолатга бир гуруҳ ўғлонларимизнинг Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктидан муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросимида гувоҳ бўлдик. Тантанали тадбирда офицерлар, Қуролли Кучлар фахрийлари, ёшлар ва армияга отланган йигитларнинг ота-оналари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар йигитлик бурчини ўташ арафасидаги йигитларга ғайрат-шижоат, хизмат фаолиятларида улкан муваффақиятлар тиладилар.

– Пойтахтимизда жойлашган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослашган мактабни тамомладим. Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг Мудофаа вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтига ҳужжатларимни топширмоқчиман. Келажақда ўз касбимни пухта эгаллаш билан биргаликда Ватан ҳимоясига ўзимнинг муносиб ҳиссамни



қўйиш ниятидан, – дейди чақирилувчилардан бири До-ниёр Эркинов.

– Ўзи бир нафар ўғлим бор. Уни бугун ҳарбий либосда кўриб, севинч кўзёшларимни тия олмадим. Яқиндагина ёш бола эди, бугун улғайиб, Ватан ҳимоясига йўл олди. Ҳамиша юзи ёруғ бўлсин, ютуқларидан фахрланиб юрайлик, – дейди чақирилувчи Жасур Абдулҳамидовнинг онаси Умида Байбаева.

Тантанали тадбир сўнгида чақирилувчиларга муддатли ҳарбий хизмат давомида керак бўладиган анжомлар жамланган совғалар улашилди.

**Абдулла ЎКТАМҚУЛОВ**



СЕМИНАР

## КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида Мудофаа вазирлигига қарашли бўлинмаларнинг кадрлар ва саф бўлими бошлиқлари иштирокида ўқув-услубий йиғин бўлиб ўтди.



Йиғин машғулоти Мудофаа вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси вакиллари ва бошқа масъул офицерлар раҳбарлигида ўтказилиб, соҳа бўйича муҳим масалаларнинг танқидий таҳлили, кадрлар соҳасига оид ҳужжатлар ва уларнинг амалиётга жорий этилиши, соҳага оид тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларнинг оптимал ечимлари, ҳарбий хизматни ўташ учун номзодларни саралаш, контракт тузиш, ҳарбий хизматчиларни ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатиш тартиблари, аттестация комиссияларининг иш фаолияти каби масалалар муҳокама қилинди.

Мутахассислар томонидан қўшинларда кадрларни танлаш ва захирасини яратишнинг тўғри йўлга қўйилиши, вазифаларни тўлақонли бажаришга тўсқинлик қилувчи салбий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ўқув-жанговар ва тарбиявий ишлар тизимини принципадан жиҳатдан ўзгартиришга, ҳарбий бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришга, армиянинг жанговар тайёргарлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Бўш лавозимларни мутахассисликлар

кесимида бутлаш, оддий аскарлар ва сержантлар таркибини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, кадрлар ҳисобини электрон тарзда юритиш борасидаги ишлар ҳолати тўғрисида ҳам маълумотлар берилди. Маърузалар давомида кўрилган масалалар бўйича йиғин иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари, ҳисоботлари тингланди. Яқинда мавзулар бўйича тақлиф ва ташаббуслар ўрганилиб, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари, келгуси вазифалар белгиланди.

**Кичик сержант  
Ойбек МАМАЖОНОВ**

## ЖАСОРАТ ЛАВҲАЛАРИ

## «ҚОРА ҚАРҒА» ТЕПАЛИГИГА КЎМИЛГАН

## МУҲАББАТ

Иккинчи жаҳон урушининг тўртинчи йили. Фашистлар қутургандан қутурган. Бутун дунёни эгаллаш режаси чиппака чиқаётган босқинчилар ғалабадан умидини узган эмас. Аждарҳо янглиғ кўрғошин олов пуркаб, оламни куйдириш пайида. Уларнинг инсониятга қаратилган ваҳшийлигига сўз топиш мушкул.

Абдулла Салимовнинг фронтга келганига кўп бўлгани йўқ. Содда, чапани, ҳар нарсага қизиқувчан бўз йигит жанггоҳнинг залворли талабини ҳар лаҳза ўзлаштириб боряпти. Мушти билан буқани йиқитишга қодир ўн саккиз ёшли йигитча қишлоқ гўзали Гулсарага унаштирилган. Севиб-севилган Абдулланнинг муҳаббат оташига атрофидаги ур-тўполон, жангу жадаллар ҳам раҳна солган эмас. Жанг тин олди дегунча, севгилисидан келган номани қўлига олади. Мана, ҳозир ҳам у мактубга ошиқона термилиб ўтирибди. Ёзувлари уніка бошлаган мактубни неча бор лабига босиб, неча бор кўзига сургани ўзига аён.

1944 йилнинг августи. Абдулла хизмат қилаётган ўқчи дивизия полки душман эгаллаб турган марраларга ҳал қилувчи ҳужум уюштириш учун тайёргарлик бошлади. Тонг саҳардан ҳужумга ўтиш белгиланди.

Осуда тун, тик этган товуш қулоққа чалинмайди. Тунда машварат қиладиган ҳашаротлар ҳам ерни остин-устун қилган қирғинбаротда забонсиз қолгандек жим. Душман томон ҳам тош қотган. Жанггоҳдаги бу сокинликдан яхшилик кутиб бўлмайди. Бироқ ҳолдан тойган жангчилар оз бўлса-да, куч йиғади.

Тун ярмида батальон штабидан қайтаётган рота командирини Нечаев ертўла ёнида Абдуллани кўриб қолди. Сафга янги қўшилган ёш ўзбек жангчиси ой ёруғида қўлидаги хатга термилганча хаёл суриб ўтирибди.

– Аскар, нега дам олмаяпсан? – сўради ундан. Абдулла командирга пешвоз чиқди ва ҳолатини тушунтиришга шошилди:

– Қайлигимдан хат олгандим, – бироз тортинган ҳолда ўзгача ғурур билан Гулсаранинг айрим сўзларини такрорлагиси келди йигитчанинг. – Фашистларнинг додини бер, душманни қанча тез енгсаларинг, шунча тез юртга қайтасизлар, деб ёзибди.

– Тўғри гапни ёзибди. Унда бироз дамингни ол, йигит. Эрталабки жанг учун бу зарур, – деди Нечаев унинг елкасига қоқиб.

Эрталаб тонг ёришар-ёришмас режадаги олға юриш бошланди. Тўплар «наъра» тортди, катюшалар «тил»га кирди. Артиллерия ва миномётлар фашистлар олдинги маррасининг ҳар қаричини «сийлагач», мудофаа ичкарасига ўқ ёғдиришга ўтди. Шундан сўнг Абдулланинг ўқчи бўлинмаси ҳужум бошлади. Бироқ душман эгаллаб турган «Қора қарға» тепалигидан отилаётган пулемёт ва миналар чинқириғи жангчиларни ер бағирлашга мажбур қилди, ҳужум тўхтади.

Шу дақиқаларда Абдулланинг хаёлидан нима кечгани фақат ўзига аён. Кутилмаганда, у ўрнидан ғоз турди-ю, «Ура-а!» дея олдинга қараб интилди. Ўқ «ёмғири» остида шиддат билан югураётган йигит баданининг бир неча жойи жизиллаганини ҳис қилди. Фашист ДЗОТига бир неча қадам қолганида қўлидаги гранаталарни босқинчилар томон улоқтирди. Аммо ажал уруғининг овози тўхтаганча йўқ. Шунда Абдулла бор куч ва иродасини жамлаб, сўнгги мартаба сакраш қилди-да, душман «аждарҳосига» кўкрагини тутди.

Фашист пулемётларининг уни ўчгач, рота аскарлари «Ура!» садоари остида оёққа қалқиди. Бироқ бу ғолибона садони Абдулла эшитмади, эшита олмасди. Ўзбекнинг шерюрак ўғлини – Абдулла Салимов номи Дон тупроғида, Петрополье қишлоғи яқинидаги «Қора қарға» тепалиги учун бўлган жангда абадиятга муҳрланди. Кўкси муҳаббатдан куч олган йигитни юрак қонига беланган ёрининг мактуби ила тупроққа қўйишди...

## ИРОДА ҚУДРАТИ

(Воқеий ҳикоялар)



Қурбон уруш бошланганида колхозда трактор ҳайдарди.

– Ёш йигит бўла туриб шундай катта темир отни бошқарсан, қойил, – ҳайратини яширмасди содда ҳамқишлоқлари.

– Бизга ҳам трактор минишни ўргат, оғайни, – атрофида парвона бўларди тенгқурлари.

Энди эса...

Иккинчи жаҳон урушининг илк кунларида фронтга отланган Қурбон Орзикуловга алоҳида вазифа юклатилди. Осуда даврда яратувчанликка хизмат қилган касби фронтда ҳам асқатди. У жанг майдонида ўзига хос зарур юмушни бажарарди. Яъни шикастланиб сафдан чиққан тўплар, танклар, бронетранспортёрлар, бир сўз-ла айтганда, барча техникаларни тортиб кетар, керакли жойга етказарди.

У бундай мураккаб операцияларни асосан тунда бажарарди. Кучли шатакчи ёрдамида фронт олди чизиғида хизмат қиларди. Қурбон қисқа вақт ичида олдинги маррадан ўттизга яқин танк ва ўзиюрар тўпларни олиб келди. Унинг мушкул аҳволга тушиб қолган пайтлари кўп бўлган. Айниқса, Москва атрофидаги жангларда. У ўзи каби сафдошлари билан икки кеча-кундуз уйку ва дам олиш нималигини билмай масъулиятли вазифани бажарган. Неча бор мина портлашдан ярадор бўлган, неча бор ўлимни четлаб ўтган.

Шундай кунларда ниҳоят қўшинларимизнинг узок кутилган қудратли ва қақшатқич ҳужуми бошланди. Фашистлар чекина экан, беҳисоб мурдалар билан бирга мажақланган ва соз танклар, автомашина ва тўпларни ҳам қолдириб қочарди. Ельня шаҳри яқинида душман иккита «йўлбарс»ни ботқоқликка ботириб юборганди. Қурбон уларни дарҳол чиқариб олди. Бақлари ёнилғига тўла,

ўқ-дориси сероб танклар дарҳол душманга қарши ташланди. Навбатдаги хизмат пайтида эса...

Қурбон кўзини госпиталда очди. Атрофида шифокорлар. Мина портлаши натижасида чалажон аҳволда госпиталга етказилган йигитни асраб қолиш учун шифокорлар кўп куч сарфлади. Аммо бир оёғидан айрилганди...

Зарбандга, қишлоғига қайтган йигитни навбатдаги синовлар қарши олди. Ахир ғайрати тўлиб-тошган пайтида ёғочоёқ билан уйда ўтирмайди-ку! Бир томони қишлоқдаги қўлидан иш келадиган барча эркаклар фронтга кетган. Уруш тугамай ортга қайтганлари Қурбон каби майиб ва мажруҳ. Шундай пайтда қандай қилиб қўл қовуштириб ўтириш мумкин? Айниқса, уруш кўрган ҳар қандай инсон тинчликнинг ҳар лаҳзасидан фойдалангиси, меҳнат қилгиси келади.

У қандай қилиб бўлса ҳам тракторчилик касбини давом эттиришга қарор қилди. Бироқ...

– Қурбон, ўз вақтида ғайрат билан ишлагансан. Жангда ҳам ўзингни кўрсатдинг, – йигитга насиҳат қила бошлашди ҳамқишлоқлари. – Энди бироз дам ол. Жуда зерикаётган бўлсанг, майли, қоровуллик қил.

– Тўғри, бир оёқда трактор бошқаришнинг ўзи бўлмайди. Қийналиб қолсан, ўғлим.

Колхоз раиси ҳам уларнинг фикрини такрорлади:

– Нима сўрасанг йўқ демайман, фақат трактордан сўз очма. Механизаторга муҳтожмиз, аммо қўлтиқтаёқ билан...

Кунлар ўтди. Тушлик пайти колхозчилар овқатланиб турган бир пайтда тўсатдан трактор тириллаб қолди. Уларнинг яқинида ҳаракатланаётган тракторни кўриб, кимдир қичқириб юборди:

– Қаранглар, қаранглар, бу ўзимизнинг Қурбон-ку!

Йигит уларнинг олдига тракторни ҳайдаб келди-да, тўхтатиб оёқлари соғлом одамдек сакраб ерга тушди. Яна худди шундай эпчиллик ила ўриндиққа чиқиб ўтирди. Ҳамма ҳайратда. Уларнинг олдида ногирон йигит эмас, ғайратли, қатъиятли аввалги Қурбон турарди. Шундан сўнг колхоз раиси унинг тракторчи вазифасини бажариш учун берган аризасини тасдиқлашга мажбур бўлди.

Аслида бунга эришиш Қурбон учун осон кечмаганди. У ҳеч ким кўрмаслиги учун тунда хирмонга борар, қўлтиқтаёқни ташлаб, ёғочоёқда юриш машқини бажарарди. Чандиқлари битиб кетмагани сабаб оғриқ турар, аммо чекинмасди. Бироз нафас ростлаб оларди-да, қайта-қайта яна машқ қиларди. Бу ҳол йигит қўлтиқтаёқларсиз юриш ҳадисини олгунча давом этди.

Энди навбат трактор бошқаришга. Бу синов янада машаққатли. Бироқ Қурбон бу онларни қанчалар мушток кутган. У бунни, албатта, удралайди. Унга меҳр ва ҳамдардлик ила боққан ҳамқишлоқларини ҳайратга солади ҳали.

Мана, ўша кун етиб келди. Қурбонга дастлаб анчагина эскирган трактор беришди. Йигит у билан тиллашиб, баҳорги ер ҳайдаш ва экиш ишларида фаол бўлди, катта улуш қўшди. Кўп ўтмай «Универсал»ни ишониб топширишди. Қурбон у билан янада астойдил ишлади.

Меҳнатинг орқали уюм-уюм қад ростлаган оқ олтин хирмонини кўриш қанчалар завқли. Жанггоҳлардаги харобазорлар қайда-ю, тинч даврдаги боғ-роғлар, оппоқ очилган пахтазорлар қаерда... Қурбон шуларни ўйлагани сари тирикликнинг, тинчликнинг қадрига етишга ошиқар, меҳнат қилиб чарчамас, ҳатто ногиронлигини ҳис қилмасди...

Йиллар ўтди. Қурбон Орзикуловнинг шарафли меҳнати уни қахрамонга айлантди, Меҳнат Қахрамонига. Иродаси олмос Меҳнат Қахрамони Қурбон ота уни йўқлаб келгучиларга уруш лавҳаларидан сўзлаб берар экан, инсон куч ва иродаси буюк ишларга қодирлигини ҳам, албатта, таъкидлаб ўтади...

Зулфия ЮНУСОВА,  
«Vatanparvar»

# АРАСТУ: Қандай одамларни жасур дейиш мумкин? Жасорат нима?



Юнон файласуфи Арастунинг жасурлик ва жасорат тўғрисидаги фикрлари ва хулосалари «Катта этика», яъни «Ахлоқи кабир» асаридан олинди. Қуйидагиларни ўқиб, кимларни жасур дейиш мумкин-у жасорат нима, деган

саволларга жавоб топасиз. Ва табиийки, атрофингиздаги жасоратли инсонларни таний бошлайсиз.

Моҳир таржимон Маҳкам Маҳмуд ўзбек тилига ўнгирган бу асарда файласуф одамнинг руҳиятига назар солади, этика, инсоний фазилатларни чуқур таҳлил қилади. Фазилатлар, туйғулар, ғоялар ва бошқа руҳий ҳолатларни турли ракурсларда кўриб чиқиб, уларга ҳаёт неъматлари, дея ном беради.

«Ҳаёт неъматларини бирданига ўрганувчи фан ёки хунар йўқ. Ҳар бир фан ёки хунар ўзига тааллуқли неъматларни ўрганади... Сиёсат ҳам бошқа умумий гапларни айтмаслиги, яъни уни таърифлаш билан шуғулланмаслиги, балки фаровонликни, неъматларнинг ўзини бунёд этиш билан шуғулланиши зарур», дейди Арасту.

Бу асарни сидқи ўқиган киши, бугун теварақда кечаётган ҳодисалар, ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинаётган воқеалар ва бошқа муаммоли масалаларга бошқача кўз билан қарайди. Ана шу ҳодисаларни, муаммоларни пайдо қилувчи ва иштирокчиси бўлган одамларнинг руҳияти, фазилатлари, уларнинг йўриғи ҳақида фикр қила бошлайди.

Файласуф фазилатнинг манбаи бўлган руҳ – кўнгил ҳақида гапира туриб, инсон қайси ҳолатларда мақтовга лойиқлигини уқтиради. Ахлоқий фазилатнинг камлиги ёки кўплиги ҳам ҳалокатлидир, дейди ва шундай ёзади: «Агар одам ҳаддан ташқари ботир, кўрқмас бўлиб кетса, Худодан ҳам кўрқмайдиган бўлса, ундай одамни ботир эмас, балки тентак дейилади. Ҳамма нарсадан кўрқадиган одам эса кўрқокдир. Демак, мард одам – ҳамма нарсадан кўрқадиган одам ҳам эмас, ҳеч кимдан кўрқмайдиган одам ҳам эмас экан».

Асарда шундай фикрлар ҳам бор:

«Севгувчи севганидан яхшилик қилади. Севимли одам эса севилгани учун яхшилик қилмайди. Шунга қарамай, кўпчилик одамлар иззатталаблик қилиб, севишдан кўра севилишни яхши кўрадилар».

«Билинишдан кўра билиш яхшироқ, чунки билиниш жонсиз нарсаларга ҳам хосдир. Билиш ва севиш жонли мавжудотларга хосдир».

Қайғу ва лаззат, ҳис-ҳаяжон, дўстлик, тийқиқсизлик, хиёнат, севги ва нафрат каби инсон феълнинг турли ҳолатлардаги товланишлари ҳақидаги мулоҳазалар, бир сўз билан айтганда, ушбу асар ҳарбий қисм ва муассасаларда фаолият юритаётган ҳарбий психологлар учун муҳим қўлланма вазифасини ўтайди.

## КЎРҚУВ

Агар жасурликни (ҳеч нарсадан) қайтмаслик ва кўрқиш (туйғулар) билан қиёсласак, нималардан қайтмаслик ва нималардан кўрқиш ҳақида гап бораётганини билиш муҳимдир. Масалан, ўз мол-мулкни йўқотишдан кўрқадиган одамни кўрқок, деб бўладими? Ёки мол-мулкни йўқотишдан кўрқмайдиган одамни жасур, деб бўладими? Ё бундай деб бўлмайдами? Касалликдан кўрқувчи одамни кўрқок ва касалликдан кўрқмайдиган одамни ботир дейиш мумкинми? Демак, жасурлик бундай туйғуларда кўринмайди. Момагулдуррак, яшин ёки ўзга ғайрининсоний ва даҳшатли ҳодисалардан кўрқмайдиган одамни жасур демаймиз, балки қандайдир жинни, ақлсиз деймиз. Демак, жасурлик инсон табиатига хос, мувофиқ ҳодисаларга муносабатда билинади. Айттайлик, агар кўпчилик ёки ҳамма инсонлар

кўрқадиган нарсалардан кўрқмайдиган одамни жасур дейдилар.

## ЖАНГЧИЛАР ЖАСУРМИ?

Мана шу нарсани фарқлаб олганимиздан кейин одамлар кўпгина сабабларга кўра жасур бўлишни кўриб чиқишимиз мумкин. Баъзи одамлар тажриба туфайли жасур бўладилар. Масалан, баъзи жангчилар ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, фалон жойларда ёки фалон вақтларда ёки ўзини фалондай тутганида, бизга талафот етмайди, деб дадил ҳаракат қиладилар. Шу нарсаларни билиб туриб, душманга бас келган одамларни ҳам жасур демаймиз (чунки улар шу нарсаларни тажрибада кўрмаганларида душманга бас келолмаган бўлур эдилар). Шунинг учун тажриба сабабли жасорат кўрсатганлар жасур эмаслар. Жасоратни билим деганда Сукрот ҳақ эмасди.

Билим одатланиш (такрорлаш) туфайли тажрибага айланади. Тажриба билан бойиган билим эса илмга айланади. Тажриба сабабли душманга бас келганларни жасур демаймиз. Бундан чиқди, жасурлик – илм эмас экан.

## ЯНА КИМЛАРНИ ЖАСУР ДЕБ БЎЛМАЙДИ?

Шундай одамлар борки, тажрибасизлиги туфайли жасурлик кўрсатадилар. Тажрибасизлиги туфайли бирор иш ёмон оқибатга олиб боришини билмаган одам шу ишнинг оқибатидан кўрқмайди. Бундай одамларни ҳам жасур, деб бўлмайди. Баъзи одамлар кизгин эҳтирослари туфайли жасур бўлиб кўринадилар. Масалан, ошиқлар ёки илҳом оғушидаги одамлар. Буларни ҳам жасур, деб бўлмайди. Чунки кизгин эҳтироси бўлмаса, улар оғир ишга қўл урмас эдилар. Жасур одам ҳар доим (ҳар қандай ҳолатда) жасур бўлади. Халқ ҳайвонларни жасур демайди. Масалан, чўчкаларни бирор урса ҳам чидаб туриши жасурлик эмас. Эҳтироси туфайли жасурлик қилган одам ҳам аслида жасур эмас.

## САБАБ ЙЎҚОЛГАНИДА...

Бошқа бир турдаги, масалан, фуқаролик жасорати бор. Масалан, баъзилар ватандошлари олдида уялгани учун жасур кўринадилар. Мана бунга мисол: Омир (Ҳомер) Гекторни бундай сўзлатади: «Биринчи (дуч келган) Полидамас менга таъна қилади». Гектор (таънадан кўрқиб) жангга кириш керак, деб ҳисоблай-

ди. Шу сабабли, бу – жасурлик эмас. Бунга ўхшаш ҳолатларнинг барчасини бир мезон билан аниқлаш мумкин: бирор сабаб йўқолганида жасурлик ҳам йўқолса, бундай инсонни жасур, деб бўлмайди. Чиндан ҳам агар биров (Гектор) юртдошлари олдидаги уятни йиғиштириб қўйса, жасурлик қилолмас эди.

Яна баъзи одамлар бирор яхшилик кўриш умидида жасорат кўрсатадилар. Вазиятга қараб иш қилувчи бундай одамларни ҳам жасур, деб бўлмайди.

Хуллас, бундай одамлардан ҳеч бирини жасур, дея олмаймиз. Ундай бўлса, жасорат нима? Қандай одамни жасур дейиш мумкин? Шу масалани кўриб чиқайлик.

## НЕЪМАТ ВА ЯХШИЛИК

Аслида юқоридаги сабабларга кўра эмас, балки жасоратни неъмат, яхшилик деб билувчи одамларнинг жасурлиги ҳақиқий жасурликдир. Бундай одамлар бирор қараб турганида ҳам, ҳеч ким йўқлигида ҳам жасурлик қилаверади. Аммо шуниси борки, эҳтирос ва интилишсиз ҳам жасорат бўлмайди. Фақат шу интилиш оқилона ва гўзалликка интилиш бўлса – чинакам жасорат туғилади. Кимки яхшилик, эзгулик учун хавф-хатардан кўрқмай, ўзини шу хавфга урса, ана шу одам жасурдир. «Кўрқмай» деганда мен умуман ҳеч нарсадан кўрқмайдиган одам маъносидан айтмадим. Умуман ҳеч нарсадан кўрқмаслик тошга ва бошқа жонсиз нарсаларга ҳам хосдир. Йўқ, жасур одам хавф-хатардан кўрқмайди, аммо мардона, сабот билан туради. Мабодо, ҳеч кўрқув билмайдиган одам мардона турса, бу – жасурлик эмас.

Яна шуниси муҳимки, жасурлик учун ҳар қандай хавф-хатарни эмас, балки инсон ҳаётига таҳдид қилувчи хавф-хатарни кўзда тутамиз. Ва яна:

жасурлик ҳар қанақа вақтда эмас, балки кўрқинчли ва хавф-хатарли куч жуда яқин келган вақтда намоён бўлади. Агар одам ўн йилдан кейин келадиган хавф-хатардан кўрқмаса, уни жасур демаймиз. Чунки бундай одам хавф-хатар узоклигида жасур кўрилади, аммо хавф яқин келгач, кўрқувдан ўлиб қолиши мумкин. Жасорат ва жасурлик (табиати) мана шунақа.

**Фурқат ЭРГАШЕВ**  
тайёрлади.

## АЙЁМ ШУКУҲИ

# ОҚИЛА БЕКАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўлкамизга фасллар келинчаги – баҳор кириб келди. Унинг кўрку таровати, файзи бўлакча.



Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари кўмондонлиги ҳарбий қисмларида Наврўз байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида турли маънавий тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Бекобод шаҳридаги ҳарбий қисмда юрт ҳимоячиларининг турмуш ўртоқларидан иборат жамоалар иштирокида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди. Оқила бекалар берилган саволларга аниқ ва батафсил жавоб бериб, зукколикларини барчага намоён этдилар. Беллашув натижаларига кўра, ғолиб жамоа ҳарбий қисм командирининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Олмалик шаҳридаги ҳарбий қисмда эса ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда ўқувчи ёшлар иштирокида баҳор таоми – сумалак тайёрлаш бошлаб юборилди. Эрта тонгдан дошқозон осилиб, аҳилликда қозонга солинган сумалак ўз атрофида ёшу қарини бирлаштирди. Шунингдек, ҳар бир бўлинма томонидан баҳорий таомлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Ўқувчи ёшлар ва ҳарбийлар иштирокида ўтказилган миллий ўйинлар барчага хуш кайфият бағишлади.

**Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари кўмондонлиги матбуот хизмати**

## НАВРЎЗ – УЙҒОНИШ ВА ЯНГИЛАНИШ ТИМСОЛИ

# Ҳар тунини қадр ўлубон, Ҳар кунини бўлсин Наврўз!

Абу Райҳон Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида Кўёш йили ҳисобида йилнинг биринчи оyi деб саналган Фарвардин оyi тўғрисида сўзлаб: «Бу оyнинг биринчи кuni Наврўздир», дейди.

Наврўз халқимиз учун энг кўхна, асл миллий, шарқона янги йил ҳисобланиб, ҳамиша янгилашиш, бунёдкорлик, эзгулик байрами сифатида шоду хуррамлик билан қарши олинган. Қадим-қадимдан Наврўз кунларида ҳатто урушлар ҳам тўхтатилган, гина-кудуратлар унутилган. Шоҳлар эл орасидаги энг муносиб кишиларни тақдирлаган, ҳатто маҳбусларнинг гуноҳидан кечилган. Инсонларнинг бир-бирига меҳрибонлик кўрсати-



ши, беморларга, муҳтож бўлганларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларнинг дуосини олиш каби эзгу ишлар амалга оширилган. Демак, Наврўз кишиларни доим яхшилик қилишга, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга чорлаган.

Бу кунларга бобо деҳқонлар алоҳида тайёргарлик кўриб, «Қўш оши», «Экин сайли» каби маросимларни ўтказишган. Эл-улуснинг сумалак сайли, ҳалим базми, дарвишона, гул сайиллари байрамга ўзгача тароват бахш этган.

Наврўз Шарқ мамлакатларида шунчалик кенг тарқалганки, улуғ алломалар ўз асарларида бу айёмнинг халқ турмуши ва маънавий ҳаётидаги

мавқеи, файзу таровати, фазилат ва хосияти ҳақида кўп ва хўп ёзишган. Қомусий билим эгалари Абу Райҳон Беруний, Фирдавсий, Маҳмуд Қошғарий, Умар Хайём, Алишер Навоий, Мирзо Бедил, Фурқат, Муқимий каби улуғларимизнинг Наврўз ҳақида ёзганлари, фикр-мулоҳазалари ва гўзал ғазаллари йиғилса, бир неча китоб ҳам бўлиши мумкин.

Умар Хайём «Наврўзнома» асарида шундай ёзади: «Каю-марс 365 кун ичида офтобнинг бир айланиб чиқиши рўй берадиган кўёш йилини ҳар бири 30 кундан иборат 12 ойга бўлди ва уларни буюк ва муборақ Изид дунёга юборган ўн икки фаришта номи билан атади. Катта йилнинг тўрт бўлаги ўтганда катта Наврўз бўлади ва дунёнинг ҳолати янгиланади.

Кимки Наврўз кuni байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди. Подшоҳлар учун бу одатни олимлар белгилаб беришган».

Юртимизга Наврўзи олам қилиб келиб, ўз сепини ёймоқда. Кўклам ёмғирлари далаларга зеб бермоқда. Маҳалла ва қишлоқларимизда момоларимиз, аёлларимиз эзгу ният, завқ ва хурсандчилик билан инсонга

куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим, кўк сомса ва гўжа каби тансиқ неъматларни тайёрлашга киришганлар. Наврўз сайилларига тайёргарлик қизгин бормоқда. Қизиқарли ўйинлар, беллашувлар, мусобақалар...

Дунёда бир-биридан буюк, бир-биридан ажойиб байрамлар кўп. Лекин улар орасида Наврўз айёми ўзининг қадимийлиги, табиатимизга уйғунлиги ва гўзаллиги билан маъно-мазмунининг теранлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака олиб келсин!

Шахло ОРТИҚОВА,  
ўқитувчи

## КЎКЛАМ НАВОСИ

Бобо кўёш меҳр ила нуфин соғар,  
Момо ерим уйғонади шукронада.

Бойдегаклар  
қор остидан кўзин оғар,  
Майса унар  
ёмғир ёртган шаронада.

Баҳор сеҳри  
ҳар хилқатга бағишлар эсон,  
Жонланади минг асрлик тоғу тошлар,  
Жонланади ўлту саҳро, еру осмон,  
Хассос Наврўз  
янгилашиш кунин бошлар.

Нақарот:  
Навбахорнинг этакларин ўтар ялпиз,  
Чўймомаю қизгалдоқлар мисли зардоўз,  
Бор нафосат, бор хуснини айлаб кўз-кўз,  
Наврўз келар, она юртва келар Наврўз.

Ам-яшил қир-адирларга тўлади халқ,  
Бўй кўрсатар қадрияту анғаналар.  
Ҳар юракда орзу-умид, ўзгала завқ,  
Бошланади ўйин-кулм, тантаналар.

Сумалакнинг хуш бўйига тўлар борлик,  
Кўк сомсаю ҳалим келар дастурхонга.  
Наврўзойим бор неъматин этар тортиқ,  
Дуо янғар: «Кўз тегмасин хур маконга...»

Зулфия ЮНУСОВА

Баҳор ёмғири шивалаб турган бир пайтда нуроний отахон ўз ҳовлисида хаёллари билан эди. У ўзича 100 қадамча юрди-ю, орқасига ўгирилиб, тийран назар солди. Ажабо, ҳар бир қадам Сайдали бобо умрининг бир йилига тенг эди, гўё. Бу йиллар ичида бобонинг оч-наҳор болалиги, аянчли ўсмирлиги, жангтоҳлардаги қонли курашлари ва энг муҳими, донишманд кексалиги бор.

Сайдали Матисоқов 1926 йилнинг 23 февралда Фарғона вилояти Қўқон шаҳри яқинидаги Чекмирзаобод қишлоғида дунёга келди. Ҳали мактабнинг 8 синфини ҳам тамомламаган ўсмир ва унинг ўнлаб тенгдошларини 41-йилнинг совуқ нафаси қарши олди. Уқитувчилар ҳар куни фронт янгиликларидан хабар берувчи газеталарни болаларга ўқиб берар, ундаги қўрқув ва титроқлар ёш кўнгилларни



# «ЖИСМИМИЗ ЙЎҚОЛУР, ЎЧМАС НОМИМИЗ...»

борган сари улғайтириб борарди. Бобонинг эслашича, мактаб болалари бир-бири билан ёғоч милтиқда ёлғондан «уруш-уруш» ўйнар, тез орада уларнинг бу ўйинлари ҳақиқий жангга уланиб кетишини ўзлари ҳам билишмас эди.

Ахири шундай бўлди. Қўлига қурол олса ерга тегмайдиган киши борки, фронт учун саф тортаверди. Умида милтиқ кўрмаган ўсмирларга қисқа вақт ичида жанговар сабоқлар берила бошланди.

1943 йилда Сайдали Матисоқов Иккинчи жаҳон урушига расман сафарбар этилади. Украина ва Белоруссияни, шунингдек, Венгрия пойтахти Будапештни фашистлардан озод қилишда жонбозлик кўрсатди. Ўзбекистонлик жангчи ўзининг мардлиги, қатъиятлилиги билан ажралиб турар, ҳарбий топшириқларни аъло даражада бажарар эди.

Бир сўз билан айтганда, урушга кирган борки, ойлаб этик ечмади, қуролини бир лаҳза қўлидан қўймади. Куну тун ўрмонлардан, ҳўлу қуруқликдан кечиби, душманга аёвсиз зарбалар берди. Сайдали бобо ҳар замонда симиллаб оғриб турувчи оёғини эслар экан, қаҳратон совуғида кунлаб сув кечиби юрганлари ёдига

тушади. Бир коса иссиқ таом олдида эса ўша сурунли йиллардаги оч-наҳор кунларини, ўсимлик илдизи ва кунжара еган дамларини ёдга олади.

Ватан учун қилинган қаҳрамонлик ҳеч вақт эътиборсиз қолмайди. Сайдали Матисоқовнинг кўксини беаб турган орден ва медаллар ҳам оғир кунлардаги матонат тимсоли сифатида ҳали-ҳамон ярақлаб турибди. 15 ёшиданок жанг майдонларининг олдинги сафларида турган қаҳрамонимиз «Иккинчи даражали Ватан уруши» ордени, «Жасорат» медал билан тақдирланди.

1945 йилнинг охирида Берлинда ҳарбий хизматни якунлаб, Ўзбекистонга қайтган Сайдали Матисоқов тинч меҳнат frontiда жонбозлик кўрсатди. Оила қуриб, етти ўғил, етти қизни вояга етказди, уларни ўқимишли, уйли-жойли қилди.

Аср бўсағасида турган отахоннинг бир шиори борки, тингласангиз, унинг нақадар ҳақлигига ишонч ҳосил қиласиз. У ҳар гал ўз қисматини ёдга олар экан, бир сатрни ифтихор билан такрорлайди: «Жисмишимиз йўқолур, ўчмас номимиз!»

**Б. ЭЛМУРОДОВ**

## ХОТИРА УЧРАШУВИ

# НАВОЙГА МУНОСИБ ИЗДОШ

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган атоқли шоир, таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг 80 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда.



Шундай учрашувлардан бири пойтахтимиздаги «Адиблар хиёбони»да бўлиб ўтди. Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан ўтказилган учрашувда Абдулла Ориповнинг шогирдлари, яқинлари, фарзандлари ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирок этди. Учрашув адибнинг қаламига мансуб Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси билан бошланди. Адибнинг шогирдлари шоир билан боғлиқ турли хотираларни эслашаркан, унинг муаллифлигидаги шеър ва қўшиқлар ижросига уланиб кетди. Айниқса, мактаб ўқувчилари томонидан ижро этилган «Ўзбекистон» шеърига барча жўровоз бўлганлигидан ҳам билиш мумкинки, Абдулла Орипов том маънода халқ шоири.

Хотира учрашуви якунида адибнинг қизи, тиббиёт фанлари номзоди Шоира Ориповадан отаси ҳақидаги хотиралар билан билан ўртоқлашишнинг сўрадик. «Отамга ҳарбийларнинг

интизоми ёқарди. Шунинг учун бўлса керак, ҳарбийлар билан учрашувларга кўп борарди, уларга ҳеч қачон йўқ демасди. Қолаверса, отам жанговар шоир эди. Буюк саркарда Амир Темурга бағишланган «Соҳибқирон» драматини олайлик, ёки «...Темур тиғи етмаган ерни, қалам билан олди Алишер...»

деган жумланинг ўзи ҳам отамнинг жанговар шоир бўлганлигидан далолат. Отамнинг бетакрор ижодий мероси, Ватанига, оиласига бўлган муҳаббати, вафо ва садоқати, инсоний фазилатларини ёш авлодларга етказиш борасида хотира кечасини ташкиллаштирган Мудофаа вазирлигига ташаккур. Мен ўз сўзимни отамнинг фалсафий тўртлиги билан якунламоқчиман:

*Туғилсанг бахт билан камол ўшадир,  
Тарк этсанг оламни завол ўшадир.  
Охир чоғ тупроғинг устига келиб,  
Кимдир ёд айласа, иқбол ўшадир».*

Тадбир сўнгида адиблар хиёбонида қад ростлаган Абдулла Орипов ҳайкали пойига Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ҳамда хотира учрашувига йиғилганлар томонидан гуллар қўйилди ҳамда эсдалик учун суратга тушилди.

**Шерзод ШАРИПОВ,**  
«Vatanparvar»

## ДАВРА СУҲБАТИ

Қуролли Кучлар академиясида «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ташкил топиши ва ривожланиши» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

# АМАЛИЙ ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Юртимиздаги етакчи олий ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари вакиллари, фахрийлари, илмий изланувчилар, Қуролли Кучлар академияси ДХХ Чегара қўшинлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультети тингловчилари ва курсантлари иштирок этган тадбирда мамлакатимиз Чегара қўшинларининг ривожланиш истиқболлари, мазкур йўналишда мутахассис офицер кадрлар тайёрлаш бўйича тўпланган тажрибалар атрофлича муҳокама қилинди.



Тадбирда «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ривожланиш истиқболлари ва қўлланилаётган инновацион технологиялар», «Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлигини таъминлашда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлинмалари томонидан фойдаланиладиган замонавий қурол-аслаҳа, техник воситалар ва анжомлар», «Хорижий давлатларда Чегара қўшинлари учун ҳарбий кадрларни тайёрлашнинг ўзига хослиги» сингари мавзулардаги маърузалар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Қизғин мунозара ва савол-жавоблар асосида ўтган давра суҳбати сўнгида муҳокамалар натижалари бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Д. РЎЗИҚУЛОВ**

## КЕЛИНГ, АБДУЛЛА ОРИПОВДАН ҲАҚИЙМИЗ

«БУ ЁРУҒ ОЛАМДА  
ВАТАН БИТАДИР»

Санокли кунлар қолди, аниқроғи, ҳафта сўнги... Наврўз келяпти. Ҳар йилгидан бошқача бўлса-да, табиат бизни совуқлар билан сийлаб турган бўлса-да, Наврўз кечикмайди, келади. Бизни интиқ қилдинг-ай, кел-эй, Наврўз!



Наврўзнинг кечалари ўзгача, тирикликка мадҳ айтувчи жонбахш насимлари ўзгача, куш ифорлари ўзгача.

*Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам,  
Тошқинлар киради қалбимга маним.  
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,  
Менинг Ўзбекистон – дилбар Ватаним!*

Ушбу бекиёс мисралар муаллифи, оламда тенгсиз шоирим, қахрамон шоиримиз Абдулла Орипов 1941 йилнинг 21 март куни туғилган. Қанчалар нурли бир кунда туғилмиш, Шоир! У ҳаёт бўлганида 80 баҳорни қаршиларди!

У Наврўз ҳақида шундай ёзган эди: «Улуғ бобомиз Алишер Навоий, гапнинг бошини эшитмаган одамга унинг охирини ҳар қанча уқтирма, у ҳеч нарсани тушунмайди, дейди. Назаримда, фасллар боши ҳисобланган Наврўз ҳам шундоқ бир мантқиқни эслатади. Яъни кузнинг ҳосили баҳордан билинади, Наврўзни англамаган одам бутун бошли йилни ҳам, балки умрни ҳам тушунмай ўтиб кетади.

Халқимизда, баҳорнинг илк неъматини татиб кўрганда шукур, дейдиган одат бор. Бинафшани кўзга суриш ёки чаккага тақиб олиш ҳам ана шундай таомиллардан биридир... Ахир тўғри-да, одам боласи то ҳануз иссиқ жон экан, баҳорга етганлар ҳам, етмаганлар ҳам бор. Баҳор сўзи халқимизнинг тилидан йил бўйи тушмайди. Бирор одамнинг умри ҳисоб этилганда, у фалон куз ёки фалон қиш яшади деб эмас, балки у шунча баҳорни кўрди, деб қўйишади.

Модомики, Наврўз куни кишилар бир-бирларига энг эзгу тилақларини изҳор этишар экан, модомики, Наврўз тинчлик ва осойишталик, муҳаббат ва туғилиш рамзи экан, мен азиз юртдошларимга ана шу ниятларнинг барчасини тилайман...»

Шоирнинг танланган асарларига киритилган мазкур мақоланинг тагига 1981 йил деб ёзилган. Азиз ўқувчиларимиз яқин ўтмишда Наврўз байрамини тан олмаслик мақсадида уюштирилган бўҳтонлар-у, номақбул хатти-ҳаракатлардан хабардор, албатта. Шундай бир даврда расмий равишда тан олинмаган байрам ҳақида ёзиш ҳам жасорат эди.

Бугун сизга шоир шеърларидан ўқишни тавсия қиламиз. Абдулла Ориповнинг вафотидан сўнг

унинг ижоди иккинчи мангулик ҳаётини бошлади. Унинг мухлислари шоир ҳаётлигида ҳам бисёр эди, бундан кейин ҳам кам бўлмайди. Мен шунчаки ёдингизга солишни истадим, унинг китобларини яна бир бор варақласангиз, дедим.

Мен унинг шеърларини жуда севаман, шу сабаб сизга ҳам илингим келди. Шоир ижодида болалигимдан биладиган, қулоқларимда қолган шеърлар бор. Бу шеърлар болаларбоп эдимми? Йўқ. Уни ўн олти-ўн етти ёшлардаги Зулайхо опам ўқирди, уй ишлари билан андармон бўлиб, овоз чиқариб ўқирди:

*Эшитдим. Хазонли боғларда танҳо  
Ўтказар эмишсан сокин пайтларни.  
Сарғайган дафтаринг варақлаб аста,  
Такрорлар эмишсан маҳзун байтларни.*

Опамнинг айтишича, ичда ўқиб бўлмайдиган, овоз чиқариб ўқиладиган бу шеърнинг номи «Мактуб» эканини анча йиллардан кейин билдим.

Абдулла Ориповнинг шеърлари... Менинг олис ёшлик хотираларимни ёдга солади. Жануб офтобининг ловуллаган ҳарорати, жазирама живирлаб ётадиган кенг далалар, офтобда куйиб, қорайган қизлар, келинчаклар, дугоналарим, ариқ бўйидаги бир жуфт улкан тол, чакки, қора буғдой нони, помидордан иборат камтар дастурхонимиз, шу дастурхон атрофидан жой олган шоҳона кўнгиллар, олис шаҳар орзуси билан ёниб юрадиган сариқкина бир қиз... Ўсма қўярдиқ, «индийский» кинолардан гаплашар эдик, қўшиқлар айтардик, шаталоқ отиб югурган бузоқча ҳам, қизларга анқайган тракторчидан ҳам қотиб-қотиб кулардик, Мирмуҳсиннинг «Умид»ини бир-биримиздан қизганиб ўқиганларимиз ёдимда. Иноятхон дугонам Абдулла Ориповдан шеърлар ўқирди. «Аёл»ни ўқирди, «Онажон»ни ўқирди... Ўша лаҳзалар қушлар, офтобда қоврилиб ётган далалар, ўт-ўланлар, ҳорғин дарахтлар ҳам тин олиб, шеър тинглаётгандек туюларди, менга. Чунки атроф-олам жим-жит, сукутда, фақат шеър янграрди:

*Афсус, ўзинг эрта кетдинг,  
Эрта кетдинг оламдан.  
Укаларим бағрим эзар,  
Ажралдик, деб онамдан...*

Шу он қизлар орасидан қўшни қишлоқдан тушган келинчак рўмоли учларини кўзларига босиб, сассизгина товоқни чайиш баҳонасида кўзғалади, ариққа эгилиб, ҳовучини сувга тўлдириб, юз-кўзларини қайта-қайта чаяди. Унинг онаси оламдан ўтган, укалари бор эди... Бу шеър шоирнинг эмас, унинг ҳасратлари, дарди эди:

*У кун четда оҳ чекардим  
Ғуссаларнинг дастидан.  
Сен отамга пул берибсан  
Ёстиғингнинг остидан.  
Айтибсанки, онасизлик  
Келмасин ҳеч ўйига.  
Сарф қилингиз, менга эмас,  
Абдулланинг тўйига.  
О, ўғлингга сен шафқатни  
Билардинг-ку, онажон.  
Бундан кўра бағрим ўйсанг,  
Бўларди-ку, онажон.*

Ҳа, биз шундай тинглар эдик, берилиб, дунёларни унутиб. Шоир шундай қалбимизга кириб келди, шеърятни бизга севдирди.

Дугонам шоирнинг кўп шеърларини ёд биларди, ёд ўқирди. Биз ҳам ўқишни истардик, аммо шоирнинг китоблари отликча ҳам топилмасди-да! Қўлма-қўл ўтавериш, титилиб кетган китобига етишининг ҳам қувончи чексиз эди. Китобларини қўлимизга тутмаган бўлсак-да, биз унинг жуда кўп

шеърларини ёд билардик, чунки кўп шеърлари оғиздан-оғизга кўчарди, китобга, адабиётга ташна дилларимизга тез муҳрланарди.

Бугун ҳарқалай, ўқирманга шоир шеърларини топиш қийин эмас. Китоблардан ташқари интернет деган кўмакчи ҳам бор. Унинг бағрида ҳам кўп бебаҳо хазиналар бор, излаган инсон учун.

Мен адабиётчи эмасман, шеърятни севаман, ўзим ҳар қанча чирансам-да, икки мисра шеър ёза олмайман. Аллоҳнинг илоҳий илҳомлари билан сийланмаганман, очиги. Аммо шеърни англаш бахти насиб этган, қалбимга яқин сатрлар хотирамда тез сақланиб қолади. Абдулла Ориповнинг шеърлари ҳақида узоқ гапиришим мумкин, бир ўқувчи сифатида, албатта. Бироқ бундан ўзимни тийиб, эътиборингизни ОНА ҳақидаги шеърларига қаратмоқчиман.

Шоирнинг «Онамга хат» шеъри шундай бошлади:

*Қайтгим келди, онам, ёнингга,  
Юрагимда исмсиз дардлар.  
Совуқ хонам, соат чиқ-чиқи,  
Ташқарида хазонрез боғлар.  
Ёмғирнинг жим хониш қилиши...  
Бариси ҳам нечундир бу дам  
Туширмоқда сени ёдимга...  
Қайтгим келди, онам, ёнингга.  
Юрагимни очиб гапирсам,  
Кам-кам бўлар менда бундай ҳол.  
Шодмон юрсам, менинг ёдимга  
Сен тушмайсан ростдан, онажон.*

Таниш туйғулар. Шундай эмасми? Шодмон лаҳзаларда онамиз ёдга тушганми?

«Она деган ном...»дан **Ўқиймиз:**

*Бисёр бўлса агар бол ҳам беқадр,  
Такрор айтилганда рангсиздир калом.  
Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,  
Биттадир дунёда Она деган ном!*

Ёдингизга тушди, а? Чунки бу шеърни кўп тинглагансиз, ўзингиз ҳам ёд биларсиз, эҳтимол. Уни фарзандингизга ҳам ўқиб берсангиз эди...

Яна битта «Она» деган шеърдан **Ўқиймиз:**

*Ҳожар онамизнинг нидоси сабаб  
Қаъбада кўз очган оби зам-зам ҳам.  
Бир умр талпинмиш онага қараб  
Не-не пайғамбарлар, кўзларида нам.  
Қавмимни ранжитиб қўймайин, аммо  
Тобут ясаб келган эр зоти доим.  
Оналар бағрига фақат бешик жо,  
Ҳаётбахш аллалар айтган, мулойим.*

Мен касбим тақозосига кўра кўплаб юрт химоячилари билан ҳамсуҳбат бўлдим. Улардан бири тез-тез ёдимга тушади. Алпомишкелбат, ҳайбатидан от хуркадиган, қўл остидагилари ўта талабчан, қаттиққўл деб биладиган йигит онаси ҳақида сўз кетганида юзлари ёришиб, майинлашиб, шундай девди: «Онамнинг тиззаларига бош қўйсам, ҳамма чарчоқ-ташвишларим унутилиб, ҳузур туяман, шундай ҳузурки... англатормайман».

Яна бир «Она» деган шеърдан **Ўқиймиз:**

*Бу ҳикмат шарҳини ўйладим узоқ –  
Ростдан она эрур қиблаи олам.  
Гарчи барчамиз ҳам падармиз, бироқ  
Онадан туғилган пайғамбарлар ҳам.*

Азизлар, яшариш айёми – Наврўз муборак бўлсин, буюк шоирнинг таваллуд куни муборак бўлсин!



Инобат ИБРОҲИМОВА,  
«Vatanparvar»

ХОТИРА

## ЭЛ ҚАЛБИДАГИ ШОИР

Болалигимиздан ҳар йили 26 апрель келиши билан ижодкор дўстларимиз ва устозлар бошчилигида Андижоннинг Марҳамат туманига – Мухаммад Юсуфнинг болалиги ўтган уйига йўл олардик. Бу кун Андижонда катта байрамга айланарди. Шоирни зиёрат қилиш учун пойтахтдан ташриф буюрган машҳур шоирлардан ташқари республикамизнинг энг чекка вилоятларидан ҳам мухлислар келишарди. Мушоира кечалари ташкил қилиниб, шоирни хотирлардик.



«Адиблар хиёбони»да Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 67 йиллигига бағишланган «Мухаммад Юсуф замондошлари хотирасида» номли тадбир бўлиб ўтди. Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда шоир ва ёзувчилар, ҳарбий хизматчилар, халқимиз суйган санъаткорлар, шоирнинг оила аъзолари ва мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо Мухаммад Юсуфнинг ижод йўли, устоз-шогирдлик муносабатлари ҳақида сўзлаган бўлса, «Олтин қалам» газетаси бош муҳаррири Назира ас-Салом турмуш ўртоғини ёдга олар экан, унинг бой адабий мероси, оиладаги ўрни, фарзандларига меҳри ҳақида тўлқинланиб гапирди.

– Машҳур бўлиш жуда осон, айниқса, ҳозирги замонда. Чунки ўнлаб газеталар, телекўрсатувлар, ижтимоий тармоқлар бор. Аммо севимли бўлиш бошқа масала. Унинг учун истеъдоднинг ўзи камлик қилади. Мухаммад Юсуфнинг ютуғи эса ҳам севимли, ҳам суюкли бўла олганидир. Устоз шоиримиз тинимсиз ижод қилиш билан бир қаторда, халқимизни чексиз муҳаббат билан сева олди, – дейди Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Ғайрат Мажид.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган 300-умумтаълим мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган шеърини гулдаста тадбирга ўзгача шукҳ бағишлади. Шеърлар Мудофаа вазирлиги ҳарбий оркестри хонандалари томонидан басталанган шоир қаламига мансуб қўшиқларга уланди. Тадбир сўнигида фаол иштирок этганлар муносиб тақдирланди.

Шоҳсанам ЖУМАЕВА

21 МАРТ – АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Ноёб истеъдод эгаси, шеърини асосини чуқур фалсафийлик, миллий руҳ ва ахлоқий мезонларга чексиз садоқат туйғулари ташкил этувчи Ўзбекистон Қаҳрамони халқ шоири Абдулла Орипов ижодини ўрганиш инсон маънавий оламини бойитишга хизмат қилади.

## ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ХОТИРЛАНДИ



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 274-умумтаълим мактабида Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги ҳарбийлари, таниқли санъаткорлар ва ўқувчи ёшлар иштирокида шоир таваллудининг 80 йиллигига бағишланган маънавий тадбир ўтказилди.

Шоир ижодида ватанпарварлик, халққа меҳр-муҳаббат ва инсонийлик ҳислари юқори ўрин тутди, у қолдирган ўлмас мерос яна кўп йиллар давомида авлодлар учун руҳий озуқа манбаи бўлиши, шубҳасиз. Тадбир давомида Абдулла Орипов қаламига мансуб шеърлар, дostonлардан парчалар ўқилди. Саҳна кўринишлари намойиш этилди. Таниқли санъаткорлар ва ҳарбий хонандалар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият улашди.

Капитан Фарида БОБОЖОНОВА,  
Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари  
қўмондонлиги матбуот хизмати бошлиғи

ҚУТЛОВ

«Vatanparvar» нашрининг ўқувчиларига Зулфия Юнусова нафақат муҳбир, балки шоир, носир, драматург сифатида ҳам яхши таниш. Аммо ушбу мақола орқали Зулфия опага доир кўпчиликка нотаниш бўлган бошқа хабар ҳақида айтмоқчимиз: ёзмишлари ўзидек нафис, содда, бетакрор ҳамкасбимиз март аввалида муборак 60 ёшни қарши олди. Ҳа, унинг таваллуд куни айни гўзал навбахор билан бошланади.



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ

## «VATANPARVAR» НИНГ УЗОҚ ЙИЛЛИК ДЎСТИ

Қуролли Кучлар давлат музейида мазкур юбилей муносабати билан ташкил этилган ижодий кечада бир гуруҳ журналистлар, шоир-ёзувчилар, Зулфия опанинг ҳамкасблари, оила аъзолари, шогирдлари, ҳарбий хизматчилар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар қаҳрамонининг инжа туйғуларини моҳирона қаламга оладиган, ҳар бир факт ва детални образли қилиб тасвирлайдиган устоз журналистнинг ижод намуналари ёшларни ватанпарварлик туйғусида вояга етказишга хизмат қилишини таъкидладилар. Дарҳақиқат, юртимизда ҳарбий журналистика ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижодкор опа ўзининг қатор мақолалари, шеърлари, ҳикоялари билан Ватан ҳимоячиларини мардлик ва жасоратга, уларнинг фарзандлари ҳамда ёшларни юрт қорига камарбаста бўлишга чорлайди.

Кўплаб республика танловлари ғолибаси З. Юнусова муаллифлигида чоп этилган «Боболарим кутган онлар», «Бахт тилсими», «Армон қасри», «Муҳаббатнинг азоби», «Қалтис хато» сингари публицистик мақолалар, шеърлар ва ҳикоялар тўпламлари ўқувчилар ўртасида қўлма-қўл бўлиб улгурган.

Ижодкорнинг «Ёвқурлар» қиссаси асосида «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан «Ҳаёт» бадиий фильми суратга олинган. «Vatanparvar» газетасининг узоқ йиллик дўсти, фидойиси Зулфия Юнусова 2009 йили «Шўхрат» медали, 2016 йили «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги» эсдалик нишони билан тақдирланган.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ҳамда Фахрийлар кенгаши, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Қуролли Кучлар давлат музейи, Мудофаа вазирлиги ходимлари қасаба уюшмаси бирлашган қўмитаси вакиллари, қатор газета-журналлар бош муҳаррирлари ижодкорнинг сермахсул фаолияти, серқирра ижодидаги ўзига хослик хусусида фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўз совғаларини тўхфа этди. Шунингдек, Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинларидан истеъдодли қаламкаш опанинг ижодида иштиёқманд ҳарбийлар ўзларининг самимий тилак ва дил изҳорларини масофавий тарзда йўлладилар. Шоира шеърларидан яралган дилтортар қўшиқларнинг жонли ижрода янграгани дилкаш даврага ўзгача файз бағишлади.

Илк ҳарбий журналист ўзбек аёлларидан бири сифатида тарих зарварақларидан ўрин эгаллаётган қутлов соҳибасига биз ҳам аввало, тан-сихатлик, узоқ умр ва доимо ҳамкасблар, фарзанду набиралар ардоғида юришларини тилаймиз!

Лейтенант Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,  
«Vatanparvar»



# АСКАРЛИКНИНГ ОЛТИНГА ТЕНГ ОНЛАРИ

*Олий ўқув юртини тугатиб, ўз мутахассислиги бўйича иш топа олмай юрган ва ўқишга кира олмаган ёшларнинг «Бир йил вақтим бекор кетадиган бўлди», қабилдаги афсус билан айтилган гапларини кўп эшитганмиз. Вақтни ана шундай қадрлайдиган ёшлар учун Мудофаа вазирлиги томонидан яна бир имконият яратиб берилди.*



2018 йил. Ушбу санада Қуролли Кучлар академиясида Илмий взвод ташкил этилди. Иқтидорли ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш, соҳада инновацион ғояларни такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар кўп ўтмай ўз самарасини бера бошлади. Муддатли ҳарбий хизмат даврини Илмий взводда ўташ имкониятига эга бўлган аскарлар учун олтинга тенг, деб баҳоласак, хато бўлмайди.

Мамлакатимизнинг етакчи олий ҳарбий таълим масканида Илмий взводнинг навбатдаги тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда муддатли ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган бир қатор Ватан ҳимоячилари ўз илмий ишларини мутахассислар эътиборига ҳавола этди. Тўғриси айтганда, республикамиз олий ўқув юртларини тамомлаган ёшлар учун

йигитлик бурчини ўташ давомида илмий изланишлар олиб бориши учун Мудофаа вазирлиги томонидан яратиб берилган бундай имкониятни хорижий амалиётда кузатмаганмиз. Шунинг учун кўпчиликда «Бир йиллик хизмат даври мобайнида қандай илмий ишни амалга ошириш мумкин?» деган савол туғилиши табиий.

Аммо Илмий взвод томонидан яратилган инновациялар кўргазмаси ва тақдимотда намоиш этилган янги илмий ишлар ҳар қандай шубҳа-гумонларга ўрин қолдирмади. 2020-2021 йил хизмат даврида Илмий взводнинг ўттизга яқин муддатли ҳарбий хизматчиси ўз илмий раҳбарлари билан тўққизта йўналишда изланишлар олиб борди. Илмий ишлар мавзуси ҳам турли-туман – GPS қурилмасидан тортиб жанговар қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларда ишлаш меъёрларигача, автоном



ёки локал тармоқ орқали ишлаш имкониятига эга автоматлаштирилган дастур ва ахборот ресурсини бошқаришнинг дастурий таъминоти гача бўлган бир-биридан долзарб йўналишларни мужассамлаштирган.

Тақдимот давомида Қуролли Кучлар академиясида фаолият олиб бораётган Илмий взводнинг 2020-2021 йил хизмат давридаги изланишлари соҳа мутахассислари томонидан юқори баҳоланди. Айниқса, полковник Анвар Мусаев ҳамда майор Акбар Муллажонов раҳбарлигида оддий аскарлар Ферузбек Рустамов, Руслан Коняров, Улуғбек Абдуллаев томонидан яратилган GPS қурилмаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Муддатли ҳарбий хизматчилар GPS

энг муҳим ютуқлардан бири деб баҳолайман, – дейди оддий аскар Ферузбек Рустамов.

Ўтган йили Илмий взводнинг биринчи қалдирғочлари томонидан кам қувватли радиостанцияларни қувватлаш ва йигин тревогаларини матн тизимида етказиб берувчи смарт SOS қурилмалари ихтиро этилганди. Бугунги кунда ана шу қурилмалардан Мудофаа вазирлиги қўшинларида кенг миқёсда фойдаланиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Илмий ишлар ва инновацияларни ташкил этиш бўлими бошлиғи подполковник Ихтиёр Мардоновнинг таъкидлашича, Илмий взводда инновацион изланишлар олиб борган



қурилмасини яратиш жараёнида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти билан ҳамкорликда иш олиб борганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли.

– Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетини тамомлаганман. Ҳарбий хизматда ўз мутахассислигим бўйича илмий иш қилишни хаёлимга ҳам келтирмагандим. Қисқа вақт ичида устозлар ва хизматдошларим билан «Мудофаа вазирлигида GPS тизими хизматидан фойдаланишни такомиллаштириш» мавзусида изланишлар олиб бордик. Бугун мутахассислар томонидан мазкур илмий ишимиз юқори баҳоланиб, сертификат ва тавсияномалар билан тақдирландик. Бу муваффақиятни ҳаётимда эришган

бир неча ҳарбий хизматчи Мудофаа вазирлиги қўшинларида фаолиятини давом эттиряпти. Шунингдек, бу йил взводнинг уч нафар иқтидорли ҳарбий хизматчиси Ватан ҳимоячиси бўлишига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатилишини айтиб ўтди.

Тақдимот маросимида муваффақиятли деб баҳоланган шу каби илмий ишлар Мудофаа вазирлиги раҳбариятига тақдим этиш учун танлаб олинди. Тақдимот якунида ўттиздан ортиқ муддатли ҳарбий хизматчига махсус сертификатлар топширилди. Қисқа вақт ичида интеллектуал қобилиятини намоиш этган йигитлар келгусида республикамизнинг турли корхона ва ташкилотларида ишлаш имкониятини берувчи тавсияномалар билан тақдирландилар.

**Асрор РЎЗИБОЕВ**  
«Vatanparvar»



# Бўлғуси «ЁРҚИН ЮЛДУЗ» Бошлаб берган Зафар

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари таэквондо бўйича анъанавий «Turkish Open» мусобақасида 2014 йилдан буён мунтазам равишда қатнашиб келади. Утган вақт давомида спортчиларимиз ушбу халқаро турнирнинг 15 та олтин, 9 та кумуш ва 11 та бронза, жами 35 та медалига сазовор бўлган эди. Жорий йилги мусобақадан сўнг бу медаллар яна 3 та олтин ва 5 та бронзага кўпайди.



«Turkish Open – 2021»нинг бронза медали билан тақдирланишди.

Мусобақанинг учинчи кунги беллашувларида ҳам терма жамоамиз таэквондочилари орасида MVSM аъзолари ўз фаолликлари билан ажралиб туришди. Хусусан, -80 кг вазн тоифасида даянга чиққан халқаро тоифадаги спорт устаси, 2018 йилги Осиё ўйинлари ғолиби, 2018 йилги Осиё чемпиони Никита Рафалович Истанбул шаҳрида фақат ғалаба қозониб, «Turkish Open – 2021»нинг олтин медалини қўлга киритди. Бу билан у қайсидир маънода «Turkish Open – 2018» якунида олган аламини ҳам чиқазди, зеро Никита ўша йили сўнгги финал баҳсида рақибига ютқазиб қўйган ва мусобақанинг кумуш медали билан кифояланишга мажбур бўлганди.

Учинчи кунги баҳсларда қатнашган терма жамоамиз аъзоларидан Шухрат Салаев (-80 кг), Шоҳсанам Аъзамова (-46 кг) ва Мадинабону Маннопова (-49 кг) мусобақанинг бронза медали билан тақдирланишди. Улар орасида таэквондочимиз Мадинабону Маннопова «Turkish Open»да бешинчи марта иштирок этди ва бешинчи марта совриндор бўлди. У 2015 йил катетлар тоифасида олтин, 2016 йил ўсмирлар тоифасида кумуш медалга сазовор бўлган, 2019 йил катталар ўртасидаги баҳсларда илк бор қатнашган ва ғолиб чиққан, 2020 йил эса финалга қадар бўлган барча баҳсларда рақибларини мағлубиятга учратиб, фақат сўнгги ҳал қилувчи жангда имкониятни бой берган ҳолда мусобақанинг кумуш медали билан тақдирланганди.

Таэквондочиларимиз анъанавий «Turkish Open» мусобақасининг ўтган йилги баҳсларида битта олтин, 2 та кумуш ҳамда битта бронза, жами 4 та медални қўлга киритишганди, бу йил эса 3 та олтин, 5 та бронза, жами 8 та медалга эга чиқишди ва Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Туркиядан қайтган спортчиларимиз Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида муносиб кутиб олинди. Маросимда Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, Ўзбекистон таэквондо WT ассоциацияси мутасаддилари, спортчиларнинг яқинлари ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

«Turkish Open – 2021»да юртимиз спорт шарафини 17 нафар таэквондочи ҳимоя қилди. Ҳали ёш бўлишига қарамай Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш марказининг, ўз навбатида, юртимиз терма жамоасининг етакчи таэквондочиларидан бирига айланиб улгурган Улуғбек Рашитов турнирнинг илк куни даянга чиқди ва -63 кг вазн тоифасидаги барча рақибларини мағлуб этишга муваффақ бўлди. MVSM аъзоси финалда мусобақа мезбонларининг иқтидорли спортчиси Хоқон Речбердан устун келди. Таъкидлаш жоиз, келажакда Ўзбекистон таэквондосининг «ёрқин юлдузи»и бўлиши кутилаётган Улуғбек 2018 йилнинг апрель ойида Тунида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида бронза, кузда (октябрь) Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳри мезбонлик қилган ўсмирлар ўртасидаги III ёзги Олимпиада ўйинларида кумуш медалга сазовор бўлганди. 2019 йилги ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида эса ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиш билан бирга қитъамиз таэквондо мутахассислари томонидан «мусобақанинг энг яхши спортчиси» деб топилганди. Ёш таэквондочимиз анъанавий «Turkish Open»нинг 2020 йилги катталар ўртасидаги баҳсларида ҳам қатнашган ва дунё миқёсида ном қозониб улгурган бир қатор тажрибали рақибларини ҳам мағлуб этишга муваффақ бўлиб, мусобақанинг бронза медали билан тақдирланганди. Мана энди олтин медал, баракалла!

Бўлғуси «ёрқин юлдуз» бошлаб берган ғолиблик учун курашиш руҳи ва унинг самарасидаги кўтаринки кайфият терма жамоамизнинг бошқа аъзоларига ҳам таъсир қилди. Мусобақанинг иккинчи кунги беллашувлари якунида MVSMнинг яна бир аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси Нигора Турсункулова ҳам ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. У ҳам ўз вазн (-67 кг) тоифасидаги барча рақибларини мағлуб этиб, делегациямиз ҳисобига олтин медални тақдим қилди. Нигора учун бу «Turkish Open» мусобақаларидаги биринчи муваффақият эмас, у 2018 йил ҳам ушбу анъанавий турнирда чемпионликни нишонлаганди. Мусобақанинг иккинчи кунги беллашувлари якунида терма жамоамиз аъзоларидан яна икки нафари совриндор бўлди – Шоҳрух Ражабов (+87 кг) ва Чарос Қаюмова (-53 кг)

## «Turkish Open – 2021»нинг ғолиб ва совриндорлари:

### Олтин медал соҳиблари:

- Улуғбек Рашитов (MVSM)
- Нигора Турсункулова (MVSM)
- Никита Рафалович (MVSM)

### Бронза медал соҳиблари:

- Чарос Қаюмова
- Шоҳрух Ражабов
- Мадинабону Маннопова
- Шоҳсанам Аъзамова
- Шухрат Салаев

## ШОҲСУПА

(хабарлар)

### ОҒИР АТЛЕТИКА

Чирчиқ шаҳрида оғир атлетика бўйича катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда қатнашган Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакиллари Адҳамжон Эргашев (-73 кг), Сарварбек Зафаржонов (-96 кг) ва Суннатилло Ўсаров (-102 кг) ўз вазн тоифаси бўйича паҳлавонлар баҳсида юқори натижа қайд этиб, ғолибликка эришишди. Эргашев даст кўтариш бўйича 145 кг, силтаб кўтариш бўйича 180 кг, умумий 325 кг натижа қайд этган бўлса, Зафаржоновнинг кўрсаткичлари 165 кг + 200 кг = 365 кг, Ўсаровнинг натижалари эса 170 кг + 197 кг = 367 кг бўлди.

### ДЗЮДО

Қозоғистонда ўтказилган Осиё очик кубоги баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси деярли иккинчи таркиб дзюдочилари билан қатнашган бўлса-да, биттадан олтин ва кумуш ҳамда 6 та бронза, жами 8 та медални қўлга киритди. Ҳамюртимиз Муроджон Йўлдошев (-73 кг) барча рақибларини енгиб, ғолибликни нишонлади. MVSM аъзоси Ғиёсжон Бобоев (-81 кг) кумуш, Гулнур Муратбаева (-48 кг), Шукржон Аминова (-57 кг), Мухлиса Ганжиева (-57 кг), Фарангиз Холмуродова (-70 кг), Рината Ильматова (+78 кг) ва Арслонбек Тожиев (-81 кг) бронза медалга сазовор бўлди. Терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида Россия ва Қозоғистондан сўнг учинчи ўринни эгаллади.

### ПРОФЕССИОНАЛ БОКС

Ярим ўрта (66.6 кг) вазн тоифасидаги боксчимиз Қудратилло Абдуқаҳҳоров (17-0, 9 KO) узоқ танаффусдан сўнг навбатдаги жангини АҚШда пуэрто-рикалик Хавьер Флоресга (15-3) қарши ўтказди. Юртдошимиз 8-раундда рақибини техник нокаутга учратди ва мағлубиятсиз олимни давом эттирган ҳолда профессионал фаолиятидаги 18-ғалабасига эришди. Абдуқаҳҳоров навбатдаги жангини 10 апрель куни ўзи каби мағлубиятсиз олимлаётган канадалик Коди Крулга (19-0, 9 KO) қарши ўтказди.

### КАРАТЭ

Туркияда каратэ бўйича Премьер-лига халқаро турнири бўлиб ўтди. Ҳамюртимиз Достон Отаболаев ўз вазн (-75 кг) тоифаси бўйича баҳслар якунида кумуш медални қўлга киритган бўлса, истеъдодли спортчимиз Садриддин Сайматов (-60 кг) бронза медал учун баҳсда россиялик Евгений Плахутиндан устун келди.

### ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Туркияда ўқув-машғулот йиғини олиб бораётган давлатлар атлетлари иштирокида халқаро турнир ташкил этилди. Эраклар ўртасидаги диск улоқтириш секторида туркиялик Юсуф Ялчинка 52.67 метр натижа қайд этиб, биринчи, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Иван Маркелов эса 49.69 метр кўрсаткич билан иккинчи ўринни эгаллади.

### ЯККАКУРАШ

Профессионал муайтай, кикбоксинг ва К-1 йўналишида жанг олиб боровчи ҳамюртимиз Мавлуд Тифиев (-70 кг) Екатеринбург шаҳрида ташкил этилган «Fair Fight» турнири доирасида россиялик Салимхон Ибрагимовга қарши жанг қилди. Профессионал кикбоксинг бўйича ушбу қарама-қаршиликда юртдошимиз мuddатидан аввал ғалабага эришди – рақибини 1-раунддаёқ уч бора нокдаунга учратди. Юртдошимиз Шер Мамазулунов (-84 кг) ҳам ўз жангини ўтказди. Унинг рақибини шу кунга қадар 10 та жанг ўтказиб, унинг 9 тасида ғалаба қозонган беларуслик Микита Шостак бўлди. Жангда спортчимиз зафар қозонди. Мамазулунов бундан олдинги жангини «Toshkent Open» турнири доирасида туркиялик Батухан Демирга қарши ўтказган ва уни мuddатидан аввал техник нокаут билан мағлуб этганди.

## МУЛОҲАЗА

## ДАДАМНИНГ «ИККИНЧИ ОИЛАСИ...»

Болалигимда кўпроқ дадам ёнимда бўлишини хоҳлардим. Чунки нима истасам муҳайё эди-да. Аямдан арзимаган ишлар учун ҳам дакки эшитиб, зада бўлган пайтларда оиладаги «ҳимоячим» – дадамнинг олдида чопардим. Уларнинг олдида аям овозини баландлатиб гапиролмасди. Менга маза, ҳар қанча эркалик қилсам ҳам биров уришмайди. Шунинг учун дадамнинг узоққа кетишларини ёқтирмасдим. Аммо ноилоҳ, ҳарбийларда хизмат вазифаси шунга тақозо этади.

Амакимнинг ўғлини ёмон кўрардим. У ҳар сафар уйимизга келганда, «Даданг сени ёмон кўради, шунинг учун ҳам уйга келмайди», «Дадангнинг бошқа қизи бор, унга қўғирчоқлар олиб беради. Ўзим кўрдим. Ишонмасанг, сенгаям кўрсатаман», «Нимага ҳамманинг дадаси ишдан уйга келади, сенинг даданг келмайди?..» деб роса жаҳлимни чиқарарди. Кейин ўтирволиб йиғлардим. Ўйлаб кўрсам, қўшнимиз Ноиланинг, Раънонинг ҳам дадалари ишдан уйга келади. Ҳар куни ёнларида бўлганлиги учун уларга маза. Дўкдан айтган ширинликларини олиб берса, шунақанги мақтанишарди...

## КАДРИЯТ

Юртимизда даврлар ошиб келаётган миллий халқ ўйинлари болаларни ақлий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик тарбиялашга хизмат қилган. Ҳозирги пайтда асосан, мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида қуйидаги овчилик ўйинлари: «Ошиқ-мошиқ», «Хаппак тош», ҳунармандлик ўйинлари: «Ланка», «Кўз боғлар», деҳқончилик ўйинлари: «Қўриқчи», тақлидий ўйинлар: «Ким олади-ё, шугинани-ё», «Хўроз уриштириш», ҳаракатли ўйинлар: «Ҳалинчак», сўз-ҳаракат ўйинлари: «Оқ теракми, кўк терак», «Арқон тортиш», кураш билан боғлиқ ўйинлар: «Миллий кураш», «Елкада кураш», «Бел олиш кураши», чавандозлик ўйинлари: «Пиёда поига», «Эшак минди» кабилар сақланиб қолган.

## «Қувлашмачоқ»

Ўйинда асосан тўрт-беш нафар бола қатнашади. Олдин чек ташланади, нечта бола бўлса, шунча рақамлар алоҳида қоғозларга ёзилган бўлади. Энг кейинги рақам кимга тушса, ўша қувлайди, қолганлари эса қочади. Қочаётганда ҳар бир бола тутқич бермасликка интилиб, қувонғичга қараб шовқин солган ҳолда шундай дейди:

– Балиқчи, балиқчи!

Бизни тутиб кўринг-чи!

Ёки:

– Лака-лак, лак-лака-лак,

Шамолда учди капалак.

Қочишинг, ҳо қочишинг!

Ёки бу каби мурожаатларни болаларнинг ўзлари ўйлаб топишлари керак.

Қувлаган кимни тутса, навбатдаги ўйинда ўша бола бошқаларни қувлайди. Ўйин шу тахлит давом этади. Бу ўйин чаққонлик талаб қилади.

## «Кўз бойлагич»

Бу ўйинда бир бола ўртага ўтиради.

Тўғри, унинг дадаси менгаям қўшиб ширинлик олади, лекин ўзимнинг дадам олиб келгани бошқа-да. Уфф, дадам қачон келар экан. Соғинмадимикан бизни?.. Ёки дадамнинг ростдан ҳам бошқа оиласи бормикан?.. Амакимнинг ўғли ўз кўзим билан кўрдим, деди-ку, нега менга бирор марта кўрсатмаган?

Бола бўлсам ҳам ич-ичимдан эзилганман. Дадам фақат менинг дадам бўлиши керак, деган ўй сира тинчлик бермасди. Амакимнинг ўғли айтган гаплар тўғри бўлса, энди келса кўришмайман. Ўша қизининг олдида кетсин, деб ўзимни роса тайёрлардим. Қаёқда, дадани кўришим билан югуриб кучоғига отиламан-у ҳамма гиналарим унут бўлади. Аммо бир куни ўзимда журъат топиб, эшитган гапларимнинг ҳаммасини айтиб бердим. Шунақанги эзилиб йиғлашимни кўрган дадам:

– Менинг сизлардан бошқа болаларим йўқ, – деди.

– Унда нега келмайсиз? Ҳамманинг дадаси ишдан кейин уйда бўлади-ку! Кетинг, ўша қизининг олдида, – деб хафалигимни сездирардим. У киши эса ҳарбийлик улўғ шарафлигини, доимо чегарада сергак туриши зарурлигини, ҳамма хизматлари биз учун эканлигини ва катта бўлсам, тушуниб олишимни айтди.

Аммо бу сафар бир шарт қўйдим. Агар мен яхши кўрган қизлари бўлсам, туғилган кунимга катта торт олиб, боғчамга боришларини айтдим. Шу йўл билан ўртоқларимга мақтаниб, гўё ҳамманинг олдида дадам мени яхши кўришини исботламоқчи бўлдим. Розилигини олгач, туғилган кунимни кута бошладим. Беш кун, тўрт кун, уч кун... ва ниҳоят, мен кутган кун келди. Дадам келишини ҳаммага айтиб қўйганман. Ўртоқларим торт кутяпти, мен эса тортдан ҳам кўпроқ дадамни.

Кеч тушиб, боғчадан кетиш вақти яқинлашяпти, дадамдан эса дарак йўқ. Мени яхши кўрмас экан,

деб йиғлай бошладим. Мудира опанинг юпанчлари ҳам фойда бермади. Туғилган кунимни ёмон кўриб қолдим. Узимниям ёмон кўрдим. Ўртоқларимга мақтанолмадим. Энди боғчага ҳам бормайман, деб уйдагиларга хархаша қилганим эсимда. Ушанда илк бор дунёдаги энг кераксиз одамдек ҳис қилгандим ўзимни.

Сўнг орадан йиллар ўтди, мактабга қадам қўйдик. Бир куни устозимиз бизга вазифа берди. «Мана, ёзишни ҳам ўрганиб олдинглар. Кейинги дарсга ҳамма болалиги, орзулари ва ҳаётдаги қаҳрамонлари ҳақида ўйлаб келсин. Шу мавзуда иншо ёзамиз», деди. Юрагимни яна кўрқув эгаллади. Мен нима ҳақида ёзаман. Дадамнинг йўлига интизор ўтган болалигимнинг нимаси яхши, дедим боғчадаги воқеа эсимга тушиб. Аммо устозимиз бошқача тушунтирди. Масалан, мен дадам ҳақида ёзишим мумкин экан. Уларнинг касби шарафли ва масъулиятли бўлганлиги сабаб уйимизга ҳам кам келиши, Ватан учун, бизнинг тинчлигимиз учун умрини тиккан фидойи инсон эканлигини, у киши билан қанча фахрлансак арзишини айтиб, биз осуда тунда ухлаб ётганимизда улар юртимиз сарҳадларида сергак бўлиб тунларни бедор ўтказишларини алоҳида таъкидлади.

Дадам аввал ҳам ҳарбий хизматчи бўлишнинг масъулияти ҳақида гапирган. Аям эса уларнинг вазифаларини бизга тушунтирган, лекин бола кўнглим билан тан олишни истамасдим. Энди бундай бўлмайди. Бугун улғайганимни ҳис қилдим. Устознинг гапларидан сўнг ҳаётга иштиёқим ортди. Ўзи дадамнинг яхши одамлигини билардим, бекорга хафа бўлганимдан ўзимни койидим. Эртаси куни энг яхши иншони мен ёзиб бордим. У дадамга бағишланган иншо эди. Табиийки, ёзиш жараёнида амакимнинг ўғли айтган гаплар ёдимга тушди. Дадамнинг иккинчи оиласи, эҳтимол, биринчи оиласи – Ватан экан. Қўғирчоқ олиб берадиган қизи борлиги эса мени йиғлатиш учун атайлаб айтилган гап-сўзлар бўлганини тушундим.

Шоҳсанам НИШОНОВА

БОЛАЛАР УЧУН  
МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР

## «Давом эттир!»

Бу ўйин, асосан, мактаб ўқувчилари томонидан ўйналади. Ўйинда ўн ёки ўн беш бола қатнашади. Улар ўртага чиқиб, давра бўлиб турадилар. Даврадаги болалардан бири ўйинни бошлайди. У бирор қоида ёки мақолнинг ярмини айтиб, ёнидаги болага: «Давом эттир», дейди. Борди-ю, у бола ўша қоида ёки мақолнинг давомини айтолмаса – ўйиндан чиқади, давом эттира олса, у ҳам бирор-бир қоида ёки мақолни айтиб, ўйинни давом эттириши мумкин. Энг охирида ҳамма шартларни бажарган бола ғолиб бўлади.

## «Ўтир – тур!»

Бу ўйин буйруқни тескари бажариш асосида қурилган. Санама орқали ўйинбоши аниқлангач, у барчага:

– Ўтир! – деб буюради. Шунда ҳамма сакраб ўрнидан туриши керак. «Тур!» деган буйруқ берилганда эса ҳамма ўтириб олиши лозим. Кимдаким ушбу буйруқлар талабини айнан ижро этса, ўйиндан чиқарилади. Ўйин то охирига бола қолгунча давом этади ва ғолиб ҳам охирида қолган бола ҳисобланади. Ўйинда етти-саккиз бола қатнашади. У болаларни сезгирлик ва ҳушёрликка ўргатади.



## «Фарқини топ!»

Стул устига турли нарсалар териб қўйилади ва бола бу нарсалар номини эслаб қолиши керак. Кейин бола ўғирлиб туради ва ўйин бошловчиси нарсалар жойини ўзгартиради ёки бирор нарсани олиб қўяди. Бола стол устида нима ўзгарганини топиши керак. Ушбу ўйин хотирани мустаҳкамлашга хизмат қилади.

## «Нарса номини топ!»

Бу ўйинни ҳар қандай жойда – уйда, сайр қилаётганда, мактабга ёки боғчага кетаётганда ўйнаш мумкин. Болага маълум бир шаклли, рангли, бирон-бир кўрсатилган материалдан тайёрланган ёки айрилган ҳарфдан номи бошланган нарсани топиш топширилади. Бу ўйин боланинг фикрлаш доираси ва топқирлигини оширади.

Нигора МАМАТҚУЛОВА,  
бошланғич синф ўқитувчиси

ХОРИЖ АРМИЯЛАРИДА



# КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАРИ

5 та механизациялашган дивизия, 14 та алоҳида бригада, шунингдек, бир қатор бошқа қисм ва бўлинмалардан ташкил топган.

Қўшинни шахсий таркиб билан бутлаш умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонун асосида амалга оширилади. Миллий армия сафига 18 дан 31 ёшгача бўлган фуқаролар қақрилади. Хизмат муддати 26 ойни ташкил этади. Оддий аскар ва сержантлар таркибини тайёрлаш ишлари махсус қисм ва бўлинмаларда, шунингдек, қўшинга қарашли ўқув марказлари ва мутахассислар мактабларида олиб борилади. Офицерлар таркиби асосан академия, билим юртлари ва қўмондонлик-штаб коллежида тайёрланади, офицерларнинг бир қисми эса хорижда, асосан АҚШда таълим олади.

Қуруқликдаги қўшинларга қарашли танк парки асосини 1 000 та К1 типидagi ва 484 та модернизацияланган К1А1/2 типидagi танклар ташкил этади. АҚШда ишлаб чиқарилган, ҳозирга вақтга келиб анча эскириб қолган М48 типидagi 850 танк ҳам ҳамон жанговар техника таркибиди қолмоқда. 2014 йилдан бошлаб Корея Республикасида К2 «Блэк Пантер» типидagi асосий жанговар танкларни серияли равишда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, улар айнан М48ларни алмаштириши режалаштирилган. Ҳозиргача ҚҚга 100 та янги типдаги танк етказиб берилган.

ҚҚ катта миқдордаги зирҳланган замонавий жанговар машиналар билан таъминланган бўлиб, улар орасида Россиядан харид қилинган БМП-3 (40 та) ва БТР-80 (20 та), Кореянинг ўзида ишлаб чиқарилган янги К21 (500 та), К200 (1700 та), КМ-900 (200 та), шунингдек, М113 (АҚШ, 420 та) ҳамда Вв 206 (Швеция, 300 та) типидagi машиналар бор. Ҳозирда бу турдаги қўшинларга маҳаллий «Хендзэ Ротем» компанияси томонидан ишлаб

чиқарилаётган К806 ва К808 типидagi ғилдиракли янги БТРларни етказиб бериш бошланган.

ҚҚ тасарруфидаги жанговар воситалар таркибидан турли тип ва русумдаги ўзиюрар (2 150 дан ортиқ) ва шатакка олинувчи (4 842 та) артиллерия тўплари, миномётлар (5 800 дан зиёд), бараварига ўт очувчи ракета комплекслари (180 та), танкка қарши ракета комплекслари (1 900 дан ортиқ), зенит-ракета комплекслари (100 дан зиёд), катта миқдордаги зенит тўплари ва бошқа қуроллар жой олган. ҚҚга қарашли армия авиацияси 90 дан ортиқ жанговар ва 500 дан зиёд кўп мақсадли ва транспорт вертолётларига эга. Ҳозирги вақтда вертолёт паркини янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013 йилдан бошлаб ҚҚни КУН-1 «Сурифон» лойиҳасидаги кўп мақсадли вертолётлар билан таъминлаш йўлга қўйилган.

Корея Республикасининг ҳарбий йўналишдаги энг йирик савдо шериги АҚШ ҳисобланади. Ҳар йили айнан шу мамлакат билан Қуруқликдаги қўшинлар манфаатида турли типдаги ҳарбий техника ва қуролларни етказиб бериш ёки лицензия асосида ишлаб чиқариш бўйича кўплаб шартнома-лар тузилмоқда. Мисол учун, «Боинг» компанияси ва Корея Республикаси Мудофаа вазирлигининг мудофаа харидлари дастури агентлиги ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, 2016–2019 йиллар мобайнида ҚҚга 36 та АН-64Е «Апач» типидagi зарбдор вертолётлар етказиб берилди.

Ҳозирда умуман, Қуруқликдаги қўшинлар, шу жумладан, ҚҚда қайтадан ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда. Режаларга кўра, бу турдаги қўшинлар сонини ҳозирги 490 000 дан 390 000 гача қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Корея Республикаси ҳозирги даврга келиб замонавий, техник жиҳатдан ҳар томонлама яхши таъминланган Қуруқликдаги қўшинларга эга ва улар келажакда ҳам мамлакат армиясининг асоси бўлиб қолади. Бу турдаги қўшинларни замон талаблари асосида янада такомиллаштириб бориш уларнинг тузилмасида янги қўшилма ва қисмларни шакллантириш, шунингдек, уларни асосан мамлакатнинг ўзида ва АҚШда ишлаб чиқарилган ҳарбий техника ва қуролларнинг истиқболли намуналари билан таъминлаш ҳисобига амалга оширилмоқда.



П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

Дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олган Корея Республикаси раҳбарияти ҳарбий қурилишнинг асосий йўналиши сифатида миллий мудофаа концепцияси доирасида XXI асрда нафақат Корея яриморлидаги, балки умуман Осиё-Тинч океани минтақасидаги ўзгарувчан ҳарбий-сиёсий вазият шароитларида мамлакат хавфсизлигини ишончли таъминлашга қодир бўлган замонавий, техник жиҳатдан мукамал таъминланган, профессионал асосдаги ихчам қуролли кучларни тузиш вазифасини белгиланган. Бу вазифани самарали ҳал қилишда мамлакат армиясининг асосий ва энг кўп сонли тури ҳисобланувчи Қуруқликдаги қўшинлар (хориж ҳарбий манбалари маълумотига кўра, ҳозирда уларнинг умумий сони 490 000 кишини ташкил этади) алоҳида ўрин эгаллайди.

Бу турдаги қўшинлар, шунингдек, Корея ва АҚШ Қуруқликдаги қўшинлари раҳбариятининг ўзaro келишуви асосида 1978 йилда ташкил этилган бирлашган қўмондонлик бошқарувидаги қўшма группировканинг муҳим бўғини ҳисобланади. Қуруқликдаги қўшинлар (ҚҚ) таркибидан пиёдалар, танк ва ракета қўшинлари, артиллерия, махсус вазифаларни бажарувчи қўшинлар, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, армия авиацияси, муҳандислик қўшинлари, кимёвий ҳимоя ва алоқа бўлинмалари, моддий-техник таъминот қўшилма ва қисмлари, шунингдек, ҳарбий полиция бўлинмалари жой олган.

Умумий раҳбарлик қўмондон зиммасига юклатилган бўлиб, у бир вақтнинг ўзида штаб бошлиғи вазифасини ҳам бажаради. Чет эл ҳарбий манбалари маълумотига кўра, ташкилий жиҳатдан ҚҚ бошқарув штаби, 10 та қўмондонлик (шу жумладан: ер устидаги операциялар, мамлакат ичкари-сидаги районлар мудофааси, пойтахт мудофааси, махсус жанговар ҳаракатлар, ракета, оператив армия авиацияси, сафарбарлик, моддий-техник таъминот, ўқув ва ҚҚ қурилиши, шахсий таркиб қўмондонликлари), 8 та корпус, 16 пиёдалар ва

## ҚЎШИН ТУРИ – ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАР

Умумий сони – 490 000 киши

-  Жанговар танклар – 2 330 дан ортиқ
-  Зирҳли жанговар машиналар – 3 180 дан ортиқ
-  Артиллерия тўплари – 7 000 га яқин
-  Миномётлар – 5 800 дан зиёд
-  Танкка қарши ракета комплекслари – 1 900 дан ортиқ

### ҲАРБИЙ МАШҚЛАРДАН НОРОЗИЛИК



Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Иннинг синглиси, Корея Меҳнат партияси сиёсий бюроси аъзоси Ким Ё Чжон Жанубий Корея ва АҚШнинг яқинда бошланган

қўшма ҳарбий машғулоти туфайли Ватанни бирлаштириш масалалари бўйича тузилган қўмита тугатилиши ҳамда Пхенян Сеул билан тинчлик сулҳидан воз кечиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирди. Унинг таъкидлашича, ҳарбий машғулотлар ва тинчлик борасидаги ўзаро мулоқот бир-бирига зид тушунчалардир.

### БУЮРТМАЛАР ҲАЖМИ ОШМОҚДА



2020 йилда хориж давлатларининг Россияда ишлаб чиқарилган қуруқлик ва ҳарбий техникага берган умумий буюртмалари ҳажми 55 млрд доллар

(46 млрд евро)ни ташкил этган. Бу ҳақда Россия ҳарбий-техник ҳамкорлик федерал хизмати директори Дмитрий Шугаев маълум қилган. «Ростех» корпорацияси раҳбари Сергей Чемезов берган маълумотларга кўра, 2018 ва 2019 йилларда Россия қуруқлик қуруқлик берилган буюртмалар ҳажми мос равишда 55 ва 51,1 млрд долларга тенг бўлган эди.

### ВАЗИЯТНИ МУРАККАБЛАШТИРАДИ



АҚШ ҳарбий кема-сининг Тайван бўғози орқали ўтиши Хитой норозилигига сабаб бўлди, деб хабар қилади Focus Taiwan. Хитой халқ озодлик армияси қўмондонлиги

АҚШнинг бундай ҳаракатлари минтақадаги вазиятни мураккаблаштириб, Тайван бўғозидаги тинчлик ва барқарорликни хатар остига қўяётгани, шу сабабли бундай ҳаракатларга кескин қарши эканлигини маълум қилган. АҚШ томони эса кема Тайван бўғозидан халқаро ҳуқуққа мувофиқ оддий сузиб ўтишни амалга оширилганини билдирган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЖАҲОНДА

## ХУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

## ТЕХНОЛОГИЯ

## МУҲОКАМАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари адлия полковниги Баҳодир Худойбердиев томонидан Жиззах ва Самарқанд гарнизонларида жойлашган Мудофаа вазирлиги ҳамда Миллий гвардия тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда муҳокамалар ўтказилди.

Кун тартибда ҳарбий тузилмаларда ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди.

## ОГОҲЛИК

## ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИНИ УНУТМАНГ

Совуқ кунлар кутилмаганда эрта бошланган эди. Февраль ойининг иккинчи ярмидан эса ҳаво ҳарорати сезиларли даражада кўтарилди.

Баҳор бошида... ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши ҳаммани шошириб қўйди. Бу эса қўшимча иситиш воситаларига эҳтиёжни оширади. Табиийки, уларнинг барчаси ҳам ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермайди.

Тошкент иссиқлик электр станцияси акционерлик жамияти объектларида ёнғин хавфсизлигини

## ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

## ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Юрт келажагининг таянчи бўлган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол тарбиялаш, иқтидорини намойён этиш учун қулай шароит яратиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Жорий йилнинг «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб номланиши замирида ҳам келажак авлод тақдири, эртанги кунига юксак эътибор мужассам.

Жорий йилдан иқтидорли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бундай ёшлар бўйича мамлакат миқёсида ягона маълум

Тадбирлар танқидий руҳда ўтди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари соғлиғини сақлаш, уй-жой таъминоти билан боғлиқ ва бошқа ҳуқуқларини рўйбага чиқариш, ҳарбийларнинг ишлаш истагидаги турмуш ўртоқлари бандлигини таъминлаш, фарзандларини турли тўғарақлар ва оммавий спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, бир сўз билан айтганда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар натижалари таҳлил қилинди.

Шу билан бирга, иштирокчиларга амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти юзасидан атрофлича тушунтиришлар берилди.

Адлия подполковниги Алишер ҚУРБОНОВ,  
Республика Ҳарбий прокурорининг  
ёрдамчиси

таъминлашни ташкил этиш бўлими бу борада аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бормоқда. Ҳафтанинг чоршанба куни профилактика тадбирлари амалга оширилади. Бунда бўлим мутахассислари Қибрай туманида жойлашган ўқув муассасалари, ташкилотлар, маҳаллаларда бўлиб, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича керакли йўл-йўриқларни кўрсатадилар.

Олиб борилган профилактика ишларининг самарадорлиги ўтган куз-қиш мавсумида бахтсиз ҳодисаларнинг юз бермаганлигида акс этди. Шунини ишонч билан айта оламизки, навбатдаги мавсум ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ амал қилинган ҳолатда талафотларсиз кечади.

Кичик сержант Жалолиддин МУҚИМОВ

мотлар базасини шакллантириш ва мунтазам янгилаб бориш тизимининг йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, уларнинг республика миқёсидаги етакчи олимлар ва ишбилармонлар билан ҳамкорлигини таъминлаш, ёш олимлар томонидан аниқ вазифаларни ҳал этишга, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган илғор технологик ишланмаларни ишлаб чиқишга қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим муассасамизда ўқувчиларнинг нуфузли илмий марказлар ва олий ўқув юртлиари, ҳарбий қисмлар, технопарклар, ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсияси ташкил этилиб, мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари, тренинг ва танловлар ўтказиб келинмоқда. Бундай илмий-амалий ҳамкорлик алоқалари ёшларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиб, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшишига хизмат қилади.

Наргиза ИСМОИЛОВА, Сергели туманидаги  
305-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ ҳарбий хизматчилари томонидан инновацион, такомиллаштирилган ва замонавий ёнғин ўчириш машинаси яратилди. Янги ёнғин ўчириш машинаси БТР-60 русумдаги жанговар техникасининг базасида қайта модернизация йўли билан амалга оширилди. Унга ёнғин ўчириш техникасидаги зарур махсус ёнғин ўчириш асбоб-ускуналари ва жиҳозлари ўрнатилди.

ИННОВАЦИОН  
ЁНҒИН ЎЧИРИШ  
МАШИНАСИ

БТР-60 ёнғин ўчириш машинаси портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлиги хизмати олиб бориш ва ёнғин ўчоқларини барта-

раф этиш, одамларни қутқариш, ҳарбий техника ва мол-мулкларни ҳимоя қилишга мўлжалланган.

БТР-60 ёнғин ўчириш машинаси: энгил зирхланган, йўллардаги табиий тўсиқларни енга олади, ёнғин ўчириш воситалари билан тўлиқ жиҳозланган, сув идишининг ҳажми 3 500 литр, кўпик ҳосил қилувчи модда идишининг ҳажми 160 литр, лафет дастагидан узюқлиги 50 метргача бўлган ёнғин ўчоғига сув ҳамда ўрта қиррали ҳаво-механик кўпикни узатиш имкониятига эга, ўзини ўзи совитиш ва ғилдиракларни оловдан ҳимоялаш тизимлари билан жиҳозланган. Экипаж: 2 нафар киши. Ёнғин ўчоғида қолиб кетган ҳарбий техникалар ва мол-мулкларни хавфсиз жойга кўчириш учун 60 метр узунликдаги тортиб чиқариш мосламаси мавжуд. Ёнғин ўчириш машинаси реал ёнғинларга яқинлаштирилган вазиятларда барча махсус механизм ва агрегатлардан фойдаланган ҳолда ҳар хил атроф-муҳит шароитларида синовлардан ўтказилди.

Мудофаа вазирлиги ёнғиндан сақлаш хизмати куч ва воситалари Ўзбекистон халқиға хизмат қилишга доимо тайёр!

Подполковник Фазлиддин ПАРДАЕВ,  
Қарши гарнизони ёнғин назорати  
инспекцияси бошлиғи

## ТАКЛИФ РАД ЭТИЛДИ



«Толибон» ҳаракати Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича АҚШ таклиф қилган янги режани рад этди. Бу ҳақда Bakhtar агентлиги толиблар вакили

Наим Вардакка асосланиб хабар берди. Унинг сўзларига кўра, Американинг барча томонлар иштирокида вақтинчалик ҳукуматни шакллантириш борасидаги таклифи «Афғонистон олдида турган муаммоларни ҳал қилиш имконини бермайди». Аввалроқ Вашингтоннинг бу режаси Афғонистон ҳукумати томонидан ҳам рад этилган эди, деб ёзади Bakhtar.

## КАРАНТИН КУЧАЙТИРИЛАДИ



Қозоғистонда 18 мартдан бошлаб карантин чоралари яна кучайтирилади.

Оммавий тадбирлар, шу жумладан, оилавий маросимлар ва маъракалар, зиёфатлар, тўйлар, юбилейлар ўтказиш ва уларда қатнашиш, бундан ташқари, байрам корпоративлари, митинглар, намойишлар, турли йиғинлар ташкиллаштириш ва ўтказиш, шу вақтгача фаолияти тикланмаган объектлар (кинотеатрлар, компьютер клублари, боулинг марказлари, тунги клублар ва ҳ.к.)га бориш тақиқланди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

## ҲАРБИЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИ



Қирғизистонлик сиёсатшунос-эксперт Медербек Корганбаев Россия Федерацияси Қирғизистонга ҳарбий техника, шу жумладан, учувчисиз учиш аппаратлари ва

С-300 типидagi ракета комплекслари етказиб беришни режалаштираётганини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, мамлакатнинг янги Президенти Садир Жапаровнинг Москвага қилган расмий ташрифи чоғида ана шундай келишувга эришилган. Эксперт фикрича, келажакда Қирғизистон ҳатто С-400 комплексларини ҳам олиши мумкин.

## ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИКА

## ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ!

Эмлаш воситалари, яъни вакциналар – инсон организмнинг юқумли касалликларга қарши ҳимоя кучини (иммунитетини) ҳосил қилиш учун мўлжалланган. Вакциналар таркиби турлича бўлиб, касалликни қўзғатувчи вирус ёки бактериянинг тирик, ўлдирилган шакли ёхуд қўзғатувчининг таркибий қисмидан ҳамда вакцинанинг асосий таркибини маълум бир шароитда сақлаб туриш учун мўлжалланган қўшимча компонентларидан иборат бўлади.



Республикада профилактик эмлашлар календари мавжуд бўлиб, болалар туғилганидан бошлаб, 14 ёшга етгунга қадар 13 турдаги юқумли касалликка қарши бепул эмланади. Жумладан, сил, қизамиқ, қизилча, полиомиелит, қоқшол, бўғма, кўкйўтал, пневмококк инфекцияси, ротавирус инфекцияси, эпидемик паротит, вирусли гепатит В ҳамда гемофил инфекцияси шулар жумласидандир.

## ЭПИДЕМИК ЭМЛАШ

Бундан ташқари, эпидемик кўрсатмага кўра эмлаш тушунчаси мавжуд бўлиб, турли юқумли касалликлар юзага келган ёки тарқалиш хавфи бўлган вақтларда ушбу касалликларга қарши эмлаш ўтказилади. Академик Л.А. Зилбер таъкидла-

нидек, «Тиббиётнинг ҳеч қайси бир соҳаси вакцинопрофилактикадек кўп инсонлар умрини сақлаб қолмаган». Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра, ҳар йили эмлаш натижасида 3 миллион бола ўлимдан сақлаб қолинади.

Коронавирус билан оғриб ўтганлар орасида 3-8 ойдан кейин қайта касалланиш ҳолатлари қайд этилмоқда. Бугунги кунга келиб касалланиш ҳолатлари бирмунча камайганлиги, карантин тадбирлари юмшатирилганлигига қарамадан касалликнинг тарқалиши яна авж олиб кетиш хавфи мавжуд. Дунёнинг кўплаб давлатларида коронавирус инфекцияларига қарши эмлаш ишлари бошланди. Шу қаторда мамлакатимизда ҳам эмлаш ишларини ўтказиш учун вакциналар келтирилмоқда.

## ВАКЦИНА ТУРЛАРИ

Ҳозирги кунда Хитой Республикасида ишлаб чиқарилган Anhui Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co., Ltd вакцинасининг Ўзбекистонда учинчи клиник синов тадбирлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ЖССТ томонидан рухсат этилган, Буюк Британияда ишлаб чиқарилган AstraZeneca вакцинаси, Россия Федерациясининг Н.Ф. Гамалея институтида ишлаб чиқарилган Спутник V

вакцинаси ҳамда Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган Serum institute of India PVT. LTD ChAdOx1 nCoV-19 Corona Virus Vaccine COVISHIELD вакциналарини Ўзбекистонга олиб келиш ва аҳолини эмлаш режалаштирилмоқда.

Аҳоли орасида коронавирус инфекциясига қарши эмлашнинг аҳамияти тўғрисида нотўғри тушунчалар пайдо бўлмоқда. Ижтимоий тармоқларда эмлашнинг ноҳўя таъсирлари, эмлашдан кейинги асоратлар ва ўлим ҳолатлари тўғрисида чиқишлар қилинмоқда. Бу «антиреклама»лар вакцина ишлаб чиқарувчи йирик компанияларнинг ўзга компания маҳсулотини камситиш мақсадида ўйлаб топилган «иктисодий ўйини» ҳисобланади.

## НАВБАТ АВВАЛИДА КИМЛАР?

Республикада коронавирус инфекциясига қарши эмлаш ишларини ташкил этиш учун хавф гуруҳларидаги шахсларни биринчи навбатда бепул эмлаш режалаштирилган. Ушбу гуруҳга 65 ёшдан ошганлар, сурункали касаллиги бўлган кишилар, тиббиёт ходимлари, мактаб ўқитувчилари ва мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари ҳамда Қуролли Кучлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари киритилди.

Коронавирус инфекциясига қарши эмлашда кўлланиладиган аксарият вакциналар билан 2 марта эмланади, бунда эмлашлар оралиғи 4-5 ҳафтада ўтказилади. Эмлаш натижасида касалликка қарши иммунитет, яъни касалланишдан ҳимоя пайдо бўлади.

Эмланувчилар тиббиёт ходимлари томонидан тиббий кўриқдан ўтказилади. Тиббий кўриқ давомида асосан эмлашга монелиги бўлган, дори-дар-

монларга сезувчанлиги бор шахслар аниқланади, олдин ўтказган касалликлари тўғрисида маълумотлар йиғилади, эмланувчининг соғлиғи бўйича шикоятлари сўраб-суриштирилади ва тана ҳарорати ўлчанади.

## УЛАРНИНГ ЭМЛАНИШИ ХАВФЛИ

Қуйидаги ҳолатлар нафақат коронавирус инфекциясига қарши, балки барча эмлашларга монелик қилади: вакцинанинг компонентларига юқори сезгирлик; оғир аллергия реакциялари; ҳомиладор ва эмизикли аёллар; 18 ёшга тўлмаганлар; ОИВ инфекциясига чалинганлик.

Ўткир юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар билан касалланганлар касалликдан тузалганидан кейин эмланади. Коронавирус инфекциясининг ўткир шакли симптомлари бўлган беморлар, лабораторияда COVID-19 мусбат натижа берган, бироқ клиник белгилари кузатилмаётган шахслар ва коронавирус инфекцияси билан мулоқотда бўлган шахслар карантин муддати тугаганидан сўнг эмланадилар.

## ЖАМОАВИЙ ИММУНИТЕТ

ЖССТ маълумотларига кўра, аҳолининг 70 фоиздан ортиқ қисми эмланган тақдирда жамоавий иммунитет шаклланади ва пандемиянинг тугалланиш эҳтимоли ошади. Шундай экан, биз учун бугунги кунда яратилган имкониятдан фойдаланган ҳолда коронавирус инфекциясига қарши эмлаш ишлари ўтказилишида фаол иштирок этиб, келгусида ўз соғлиғимизни асраш ва шу билан бирга республикада коронавирус пандемиясини енгиш учун ўз ҳиссामизни қўшган бўлаемиз.

Тиббий хизмат подполковниги Т. ЭШҚОБИЛОВ, Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим бошлиғи

## САХОВАТ

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги ҳарбий санаториясида Оққўрғон тумани Гулистон қишлоғидаги ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролар бепул даволаниб, тиббий муолажалар олишмоқда.



Ушбу хайрли тадбирдан «Темир дафтар», «Аёллар дафтари»га киритилган фуқароларга бемин-

нат тиббий хизмат кўрсатиб, уларни ҳам жисмонан, ҳам руҳан фаол ижтимоий ҳаётга қайтариш мақсади кўзланган. Айни кезде Оққўрғон тумани «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси томонидан ҳарбий санаторияга тавсия этилган юртдошларимиз қулай ва замонавий шароитда ўз саломатлигини янада

мустаҳкамлашмоқда. – Ушбу муассасамиз 2014 йилда ташкил этилган бўлиб, бошқарма,



даволаш ҳамда таъминот бўлинмаларидан иборат, – дейди подполковник Хайрулла Ортиқов. – Бу маскан фаолият учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лицензия олинган бўлиб, неврологик касалликлар, клиник лаборатория ва физиотерапия муолажаларига мослаштирилган. 50 ўринга мўлжалланган ҳарбий санаториямиз Қибрай тумани «Дўрмон» қишлоқ фуқаролар йиғинининг қарийб 15 гектарлик баҳаво, хушманзара ҳудудида жойлашган. Мевали ва манзарали боғ, кўркам иссиқхона, очиқ сув ҳавзаси, мўъжаз бассейн муассасамизга ташриф буюрувчиларнинг баҳри-дилини очиб, янада соғломлаштиришга хизмат қилади.

Ушбу ҳарбий санатория асосан Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизмат-



Муаллиф суратга олган

чилари, уларнинг оила аъзоларига хизмат кўрсатади. Эндиликда тегишли ҳудуддаги ижтимоий-иктисодий шароити оғир фуқаролар учун босқичма-босқич муайян муддатга бепул хизмат кўрсатаётгани ҳам эътирофга лойиқ.

– Кўрсатилаётган хизматлар сифати юқорилигидан ушбу санаториядан кетгим келмай қолди, – дейди гулистонлик Мавжуда Бозорова. – Шу вақтга қадар фарзандлар тарбияси, иш, рўзгор ташвишлари билан банд бўлиб, санаторияда ётишга вақт, вақт топилганда эса имконият тополмабмиз. Мудофаа вазирлигининг кўмаги билан ҳарбий санаторияда қизим билан бирга узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган дарду ҳасратимизни аритдик. Бунинг учун ҳеч қандай тўлов талаб этилмади. Ҳолатимизни ўрганиб, тушуниб, шунчалик ғамхўрлик кўрсатаётган маҳалла ҳамда ҳарбий хизматчилардан бир умр миннатдорман.

Дилшод ШУҲРАТ ўғли

## BOLAJON



## Xush ko'rdik, Navro'z!

Bolalar varragi xayolni olgan,  
Bodom gullaridan, quvonadi ko'z.  
Dillardan mutlaqo g'ubor yo'qolgan,  
Xush kelding, bahor, xush ko'rdik, Navro'z!  
Anhorlar oqmoqda suvlarga to'lib,  
Shukronalik aytdim tinchlikni ko'rib.  
Mustaqil diyorga, bezaklar bo'lib,  
Xush kelding, bahor, xush ko'rdik, Navro'z!  
Navro'zda ulashing ezgu tilaklar,  
Axir tilak bilan, kamaymaydi so'z.  
Bahor gullaridek yashnab yuraklar,  
Xush kelding, bahor, xush ko'rdik, Navro'z!



## TOPISHMOQLAR

Yerga tushsa loy qilar,  
Dehqonlarni boy qilar.

(Yomg'ir)

Osmon chirog'i  
Yondi-yu o'chdi.

(Chaqmoq)

Bola kelar, bola kelar,  
Ilk mehr ola kelar,  
Silab-silab daraxtlarga,  
Guldan marjon taqa kelar.

(Bahor)

Paqiri yo'q, suv separ,  
Tut qoqqanday duv separ.

(Bulut, yomg'ir)

Beqasamdan belbog'i,  
Rang-barangdir bo'yog'i.  
U bahorni eslatar,  
Osmon-falakda chiqar.

(Kamalak)

Oq g'ozim uchdi-ketdi,  
Ichagini cho'zdi-ketdi.

(Varrak)

Chirmandasi osmonda,  
Raqsi yerda, har yonda.

(Momaqaldiroq, yomg'ir)

Qishda oq gul,  
Bahorda suv sochadi.  
Yel esganda,  
Tumtaraqay qochadi.

(Bulut)



## QADRIYATLAR QADR TOPGAN BAYRAM

Uch ming yildan ziyod tarixga ega bo'lgan Navro'zi olam – sharqona yangi yil o'zining yangilanish, bahor nafasini boshlab kelishi, xalqimizning tabiati, ong-u tafakkuri, qalbiga chuqur singib ketgani, har qaysi oila, har qaysi xonadonga shod-u xurramlik olib kirishi bilan biz uchun eng qadrlil, aziz va suyuqli milliy bayramdir. "Navro'z" forscha so'z bo'lib, "Yangi kun" degan ma'noni anglatadi. Sharq xalqlari tomonidan yilning 21-mart kuni – kecha va kunduz tenglashgan kun Yangi yil, Navro'z bayrami sifatida keng nishonlanadi. U dehqonlar uchun ekin-tikin ishlarining boshlanish pallasiga to'g'ri keladi. Buyuk mutafakkir bobomiz Alisher Navoiy bu kunni shunday ta'riflaydi:

Vasli aro ko'rdim, teng emish bo'yi-yu sochi,  
Tun-kun ekan, zohir o'lur bo'ldi chu Navro'z!

Navro'z milliy ma'naviyatimiz rivojidadagi eng muhim shodiyonadir. Bu kunda yurtimizning har bir go'shasida bahoriy taomlar-u, turli milliy o'yinlarga alohida urg'u beriladi. Milliy taomlarimizdan sumalak, halim, ko'k somsa, ko'k chuchvara kabilar bayram dasturxonining ko'rkiga aylanadi. Ayniqsa, sumalak bazmlarining o'zgacha gashti bor. O'zbek xalqining go'zal fazilatlaridan biri mehmon kutish hisoblanadi. Bu kunda har bir xonadonda dasturxon tuzalib, bahoriy noz-ne'matlar tayyorlanib, mehmonlarni yuzda tabassum ila hurmat bilan kutib olishadi. Navro'z ayyomida shahar va qishloqlarda o'tkaziladigan xalq sayillari, an'anaviy milliy

o'yinlar, kurash musobaqalari, ko'pkari hamda xalq amaliy san'ati ko'rgazmalari bayramga o'zgacha mazmun baxsh etadi.

Umumxalq bayrami – Navro'z barchaning ko'ngliga iliqlik, yuraklariga bahoriy kayfiyat, yuzlariga tabassum hadya etuvchi bayramdir. Navro'z shukhi yurtimizda har doim kezib yursin va hech bir yurakni tark etmasin!

Yuraklarga solib hayajon,  
Eshik qoqar biz kutgan mehmon.  
Yelkasida bayram libosi,  
Qo'llarida ochil dasturxon.  
Dala-dashtga bag'ishlab chiroy,  
Yurtga keldi yana ko'klamoy.

ҚАДРИЯТ

# НАВРЎ – ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ БАЙРАМИ

Ўлкамизга миллий урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлган Наврўз айёми кириб келмоқда. Аста-секин қиш уйқусидан уйғонаётган табиат баҳорга хос яшиллик ва гўзаллик либосида ҳар бир қалбларга янгиланиш, яшариш, эртанги кунга умид, шоду хуррамлик туйғусини улашади. Наврўз минг йиллардан буён зўр тантана билан нишонлаб келинаётгани ҳам байрамнинг юртдошларимиз учун қанчалик қадрли эканлигидан далолатдир.



этамиз. Дастурхонларимиз баҳорий шохтаом – сумалак, шунингдек, кўк сомса, кўк чучвара каби пишириқлар билан безатилади. Энг муҳими эса биз 21 мартни умумхалқ байрами сифатида нишонлаймиз ва деҳқонларимиз далаларга эртанги кун ҳосили учун уруғ қадайд.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида байрамга бағишлаб ташкиллаштирилган «Хуш келдинг, Наврўз!» деб номланган кўргазма ва маданий-маърифий дастур ўтказилди. Дастур давомида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Зоҳида Умарова, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва

рақс ансамбли хонандалари, махсус авария тиклаш бошқармасининг «Импульс» ҳарбий ансамбль жамоаси ҳамда ёш, иқтидорли хонанда Муслима Алиева томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларга баҳорий кайфият улашди.

Тадбир якунида байрам кечасига ташриф буюрган фахрийлар ва ҳарбий хизматчилар учун Наргиза Юсупова, Нозимхўжа Абдусаломов, Жавоҳир Ниёзов, Зухра Азимова, Аҳаджон Аъзамов, Савриддин Саъдуллаев, Улуғбек Нейматов сингари ёш мўйқалам усталари ижодий ишларининг кўргазмаси намойиш этилди.

**А. РЎЗИБОВ**

МУСОБАҚА

## ЎҚУВЧИЛАР БЕЛЛАШДИ БУНДА

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хазорасп автомобиль мактабида Наврўз байрамига бағишлаб, тумандаги умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг ҳарбий амалий кўпкураш тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

га ажратиш ва йиғиш), Азизбек Ҳамробаев (оммавий қирғин қу-



ролларида ҳимояланиш), Дастон Жаджиев (пневматик милтиқдан ўқ отиш), Диёрбек Кенжаев (турникда тортилиш), Жамшид Раҳимов (тўсиқли йўлакчадан ўтиш), Оғабек Ботиров (армрестлинг), Дадахон Хўжаев (тош кўтариш) ўз йўналишлари бўйича тенгсиз бўлишди. Умумжамоа ҳисобида 11-умумтаълим мактаби жамоаси ғолибликни, 22- ва 5-умумтаълим мактаблари жамоаси II ва III ўринларни эгаллашди.

Мусобақалар, умуман олганда, байрам тадбири кўтаринки руҳда кечди.

**О. ЭГАМОВ, Хазорасп автомобиль мактаби бошлиғи**

**Жасурбек Собиров (АК-74 автоматини қисмлар-**



**КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:**

Улуғ алломаларнинг бебаҳо мерослари

### VATANPARVAR

**Муассис:**



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

**Бош муҳаррир:**

майор  
Аҳбор Очиллов

**Навбатчи:**

катта лейтенант  
Азиз Норқулов

**Саҳифаловчилар:**

Нодирабегим Валиева  
Дилноза Мелиқўзиева

**Мусахҳихлар:**

Сайёра Мелиқўзиева  
Мастура Қурбонова

**Телефонлар:**

котибият: (71) 260-36-50  
бухгалтерия: (71) 260-35-20  
юримлик бўлим: (71) 269-88-91  
факс: (71) 260-32-29

**ISSN 2010-5541**

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-205.

Ҳажми: 6 босма табоқ.  
Бичими: А3.

Адади: 35 079 нусха.  
Босишга топшириш вақти: 14:00.

Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.  
Баҳоси: келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:  
100164, Тошкент,  
Университет кўчаси, 1-уй.